Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва хушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир.

# XXI ASR

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

Газета 2004 йил 1 январдан чиқа бошлаган

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

03 Тинч мамлакат бахтли, саодатли мамлакатдир

05 Жамоатчилик назорати қуйи бўғиндан бошланади

06 Имтиёзлар янги имкониятларга йўл очмоқда



2014 йил 20 март, пайшанба, 11 (539)-сон

e-mail: xxi_asr@mail.ru, web sayt: www.21asr.uz



# Ҳар кунимиз Наврўз бўлсин!

## Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Наврўз байрами тантаналари бўлиб ўтди

**Она заминимизни ям-яшил либосга буркаб, ўзининг бетакрор кўрку жамоли, баҳорий насимлари, қиру адирларда кулаётган бойчечагу лолалари билан юртимизга Наврўзи олам кириб келди. Наврўз – бу тиниқ осмон, яшил борлиқ, меҳнат ва муҳаббат, гул ва алёрларнинг муштарак рамзи. Атрофга сумалакнинг хуш бўйи, қир-адирларда улоқчи отларнинг мағрур кишнаши, давраларда бел олишаётган алп йигитларнинг ўктам ҳайқириқлари, қошларини ўсма безаган қизлар кулгуси таралади.**

Вужудимизни ҳаётбахш умидлар қамраб олади. Янгиланиш фасли қалбларда акс-садо беради. Улуғ бунёдкорликнинг абадий қудрати ўзига чорлайди. Борлиқ инъом этган ободлик, поклик, янгиланиш ва яратиш завқи одам ва оламни боғлайди.

Юртимизга уйғониш, янгиланиш ва яшариш фасли ана шундай кириб келади. Табиат қудрати, бирдамлик, бунёдкорлик ва эзгулик тимсоли – Наврўз бошланади.

19 март. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи байрамона безатилган.

Бу ерга сенаторлар ва депутатлар, ҳукумат аъзолари, фан, маданият, спорт ва санъат намояндалари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, табаррук отахону онахонлар, турли соҳаларда меҳнат қилаётган юртдошларимиз, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотлар вакиллари ташриф буюрган.

3 ▸▸

ПАРЛАМЕНТДА

# O`zLiDeP фракцияси аъзолари Юртбошимиз ташаббусини қўллаб-қувватламоқдалар

**Аввал хабар қилинганидек, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида унинг Регламентига мувофиқ давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан киритилган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)»ги қонун лойиҳаси қизғин муҳокамадан ўтмоқда**

Куни кеча мазкур қонун лойиҳаси парламент қуйи палатасининг ялпи мажлисида биринчи ўқишда кўриб чиқилди. O`zLiDeP фракцияси аъзоларининг таъкидлашича, Конституциямизга киритилаётган бундай ўзгартиш ва қўшимчалар парламентнинг ҳуқуқ ва ваколатларини янада кенгайтириши, Вазирлар Маҳкамаси, умуман, ижро этувчи органларнинг масъулиятини, давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик ва парламент назоратини кучайтириш юзасидан мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга қаратилгани билан ҳам аҳамиятлидир.

2 ▸▸



## БУГУНГИ СОНДА:



Насим АЛИМОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O`zLiDeP фракцияси аъзоси:

**УЧРАШУВЛАР ДАВОМИДА ФРАКЦИЯМИЗ АЪЗОЛАРИГА ЮРТИМИЗНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИГА ОИД 1500 ДАН ЗИЁД МУРОЖААТ ТУШДИ. УЛАРНИНГ 795 ТАСИ ЖОЙЛАРНИНГ ЎЗИДА ҲАЛ ЭТИЛДИ. ҚОЛГАН МУРОЖААТЛАР ЭСА ТЕГИШЛИ ИДОРАЛАРГА ЮБОРИЛИБ, УЛАР ЕЧИМИ ҚАТЪИЙ НАЗОРАТГА ОЛИНДИ.**

4 ▸

# ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ НАВРЎЗ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

## Азиз юртдошларим, қадрдонларим! Муҳтарам меҳмонлар! Биз Ватанимиз ва эл-юртимизнинг тарихий сана ва айёмларига бағишланган байрамларни катта тайёргарлик ва хурсандчилик билан ўтказамиз.

Лекин ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкин: айни шу кунларда қутлуғ қадамлари билан диёримизга кириб келаётган, баҳор, яшариш ва янгиланиш рамзи, шарқона янги йил дебочаси бўлмиш Наврўзи оламни кутиб олиш ва ўтказиш маросимлари ва хурсандчилигини ҳеч қайси байрам билан солиштириб, қиёслаб бўлмайди, албатта.

Бугун, шу фурсатдан фойдаланиб, мана шу гўзал майдонда байрамона кайфият билан жамулжам бўлиб ўтирган сиз, азизларга, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизга ўзимнинг чуқур хурмат-эҳтиромимни, меҳр-муҳаббатимни билдириб, Наврўз айёми билан табриклаш – мен учун катта бахт.

Азиз дўстларим!

Наврўз айёмини халқимиз нақадар орзиқиб ва интизор бўлиб кутиб олаётгани, бу байрамни энг қадимий ва асл миллий байрам сифатида ана шундай ардоқлаб ўтказишимиз, ҳеч шубҳасиз, бежиз эмас ва **бунда чуқур маъно-мазмун бор.**

**«БУГУН ҲАЁТГА КИРИБ КЕЛАЁТГАН, БИЛАГИ КУЧ-ҚУВВАТГА ТЎЛИБ БОРАЁТГАН ЙИГИТ-ҚИЗЛАРИМИЗНИНГ ОЧИҚ ЧЕҲРАСИГА БОҚИБ, АЙТМОҚЧИМАН — БАРЧАМИЗ БИР НАРСАНИ ЭСИМИЗДАН ЧИҚАРМАСЛИГИМИЗ ЗАРУР: ВАТАНИМИЗНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ ҲАҚИДА, ДУНЁНИНГ РИВОЖЛАНГАН ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТЛАРИ ҚАТОРИГА КЎТАРИЛИШИМИЗНИ АВВАЛО СИЗ, УНИБ-ЎСИБ КЕЛАЁТГАН ЁШЛАРИМИЗНИНГ САЛОҲИЯТИ, БИЛИМГА ЧАНҚОҚЛИГИ ВА ИЛМУ ФАН ЧЎҚҚИЛАРИНИ ЎЗЛАШТИРИШИНГИЗГА, ЕТУК ВА БАРКАМОЛ АВЛОД БЎЛИБ ВОЯГА ЕТИШИНГИЗГА ҚАРАБ ХАЛҚАРО ЖАМОАТЧИЛИК БИЗНИНГ НИМАЛАРГА ҚОДИР ЭКАНИМИЗГА БАҲО БЕРАДИ».**

Бунинг сабабини аввало Наврўз ғояларида минг йиллар давомида, «Авесто» замонларидан буён халқимизнинг безавол сақланиб келаётган қадимий урф-одат ва удумлари мужассам топганида, ҳамоҳанг бўлганида кўришимиз даркор.

Бундай муносабат – аввало кўҳна ва буюк тарихимизга, улуғ аждодларимиз қолдирган меросга, бой маданиятимизга ҳурмат-эҳтиром билан қараш деганидир. Шу билан бирга, бундай муносабат – узоқ ва яқин ўтмишимиз давомида, ўта мураккаб дамларда қандай қийин бўлмасин, қандай оғир синовлардан ўтишга тўғри келмасин, муқаддас қадриятларимизга хиёнат қилмасдан, уларга доимо садоқатли бўлиб яшаётганимиз, уларни эъзозлаб, авайлаб, янги авлодга етказиб келаётганимизнинг ёрқин ифодаси ва тасдиғидир, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Наврўзи олам ўлкамизга қадам қўйиши билан ҳар биримиз ён-атрофимиздаги мавжудотнинг уйғониши, куртаклар ва гул-чечаклар очилиши, ерү кўк бағрида юз бераётган ўзгаришлардан, баҳор нафасидан баҳраманд бўламиз, она табиатимизнинг узвий ва ажралмас бир қисми эканимизни беихтиёр чуқур ҳис қиламиз.

Айни шу паллада худдики табиат олами билан уйғун ва муштарак бўлиб, бу осуда ҳаётни ҳар бир кунининг қадрига етиб, шукроналик ҳиссиёти билан яшаш кераклигини яна ва яна бир бор англаймиз.

Бундай ажойиб лаҳзаларда миллати, тили, динидан қатъи назар, юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон, ҳар қайси оила шоду хуррамлик билан баҳор соғинчи ва орзу-ниятларини, ёруғ чеҳрасини намоён этишга интилади.

Шу файзли, шодиёна кунларда ҳар қандай гина ва аразлар, низо ва адоватлар унутилади, юртдошларимиз сумалак, ҳалим, кўксомса каби тансиқ таомлар тортилган дастурхонлар атрофида тўпланиб, қалбини дунёга кенг очиб, Наврўз неъматларини, байрам қувончини яқинлари, ёру биродарлари билан баҳам кўришни истайди.

Барча-барчага соғлиқ-омонлик, бахт-саодат тилайди, табаррук кексаларни зиёрат қилишга, уларнинг дуосини олишга ҳозир бўлади.

Шу мўътабар айёмда беморлар, етим-есирларнинг, муҳтож инсонларнинг кўнглини, руҳини кўтариш, барча савоб ишларни амалга ошириш – буларнинг ҳаммаси халқимизнинг қон-қони, онг-онгига сингиб кетганидан, яхшилик ва эзгуликни доимо юрагида сақлаб келаётганидан дарак беради.

Айни шундай пайтларда ўзимга ўзим бир савол бераман. Дунёда бизнинг меҳрибон, меҳмондўст халқимизга ўхшаган халқни топиш мумкинми ўзи? Аминман – ҳеч қачон!

2 ▸▸

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2014 йил 18 мартдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 2037,25 | 1 Миср фунти | 323,32 | 1 Польша злотийси | 741,37 | 10 Жанубий Корея вони | 21,06 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 3743,25 | 1 Исландия кронаси | 20,03 | 1 СДР 3489,97 | | 10 Япония иенаси | 221,71 |
| 1 Дания кронаси | 419,30 | 1 Канада доллари | 2028,45 | 1 Туркия лираси | 1014,50 | 1 Россия рубли | 61,42 |
| 1 БАА дирҳами | 612,69 | 1 Хитой юани | 365,19 | 1 Швейцария франки | 2576,85 | 1 Украина гривнаси | 234,40 |
| 1 АҚШ доллари | 2250,36 | 1 Малайзия ринггити | 687,34 | 1 ЕВРО | 3118,86 | | |

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

# Табрик

– Унутманглар, ўтган асрнинг 80-йиллари охиридаги алғов-далғов дамларда Яратган эгам халқимизга марҳамат кўрсатиб, Юртбошимиздек оқил, элпарвар инсонни бизга раҳнамо этиб берди. У кишининг узоқни кўзлаб вазминлик билан юритган сиёсатлари, улкан жасорати туфайли биз шу кунларга етишдик.



## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ НАВРЎЗ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

Азиз дўстларим, биродарларим, бизнинг халқимиз нимани истайди? Аввало, ўз юртида ва қўшни минтақаларда, бутун оламда тинчлик-осойишталик ҳукм суришини, турли-турли ҳудудларда давом этаётган можаро ва қарама-қаршиликлар куч ишлатмасдан, фақатгина тинчлик йўли билан, сиёсий музокаралар йўли билан ҳал қилинишини хоҳлайди.

Ўз осмонининг мусаффо бўлишини, тинчлик барқарор бўлган ҳаётни истайдиган халқимиз ўзгаларга ҳам айни шундай тилакларни раво кўради.

> ***Ўз осмонининг мусаффо бўлишини, тинчлик барқарор бўлган ҳаётни истайдиган халқимиз ўзгаларга ҳам айни шундай тилакларни раво кўради.***

Фурсатдан фойдаланиб, бизга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиб, бугун мана шу даврада ўтирган чет давлатларнинг муҳтарам элчиларини, халқаро ташкилотлар вакилларини, бутун дипломатик корпусни, олис ва яқиндаги мамлакатларнинг халқларини Наврўз байрами билан табриклаб, уларга равнақ ва фаровонлик тилашга ижозат бергайсиз.

Муҳтарам дўстларим!

Менинг истагим – мана шу шукуҳли, тароват сочилиб турган дамларда шу муаззам боғда бизга меҳр билан боқиб турган буюк Алишер Навоий бобомизнинг **«Ҳар кунимиз Наврўз бўлсин!» – деган тилаклари** худди янгитдан қулоғимизга чалингандек туюлсин, шундай хуш кайфият сиз, азизларимга, бутун эл-юртимизга доимо ёр бўлсин.

Бугун ҳаётга кириб келаётган, билаги куч-қувватга тўлиб бораётган йигит-қизларимизнинг очиқ чеҳрасига боқиб, айтмоқчиман – барчамиз бир нарсани эсимиздан чиқармаслигимиз зарур: Ватанимизнинг тараққиёти ҳақида, дунёнинг ривожланган демократик давлатлари қаторига кўтарилишимизни аввало сиз, униб-ўсиб келаётган ёшларимизнинг салоҳияти, билимга чанқоқлиги ва илму фан чўққиларини ўзлаштиришингизга, **етук ва баркамол авлод бўлиб вояга етишингизга қараб халқаро жамоатчилик бизнинг нималарга қодир эканимизга баҳо беради.**

Шунинг учун ҳам биз ўзлигини, ўз қадр-қимматини, Ватани олдидаги ўз бурчини чуқур англаган, ўз олдига баланд марралар қўйиб, дунёдаги барча тенгдошлари билан беллашувга тайёр фарзандларимни **бизнинг ишончимиз ва таянчимиз, ҳал қилувчи кучимиз, деб юксак қадрлаймиз** ва сиз ёшларимизни эъзозлаб камол топтиришда ўзимизни ҳеч қачон аямаймиз.

Азиз ва навқирон, кўзни қувонтирадиган болаларим – Наврўзи олам барчангизга баҳордек очилиш, бахт ва омад, севги-муҳаббат олиб келсин, энг эзгу орзуларингизни рўёбга чиқариш сизга насиб этсин.

Азиз қадрдонларим!

Осмонимиз мусаффо, юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Хонадонларимиздан меҳр-оқибат, файзу барака аримасин!

Табаррук оталаримиз, мунис оналаримизнинг умрлари узоқ бўлсин, ака-укаларимиз, опа-сингилларимизнинг кўнглидаги пок ниятлари ижобат бўлсин!

Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!

↘ ПАРЛАМЕНТДА

## O`zLiDeP фракцияси аъзолари Юртбошимиз ташаббусини қўллаб-қувватламоқдалар

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O`zLiDeP фракцияси аъзоси Тўлқин Турсуновнинг фикрича, ушбу қонун лойиҳаси Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузасида баён этилган қоида ва ғояларга мувофиқ тайёрланган бўлиб, бу демократик ислоҳотларнинг тадрижийлиги ва изчиллигидан далолатдир.

Шунингдек, қонун лойиҳасининг яна бир муҳим янгилиги «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»нинг давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, Президент – давлат бошлиғи, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасида ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланишини таъминлаш соҳасидаги қоидаларни рўёбга чиқариш билан боғлиқ экани қайд этилди. Вазирлар Маҳкамасининг ижтимоий-иқтисодий сиёсатни рўёбга чиқариш, фуқароларнинг иқтисодий, ижтимоий ва бошқа ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ишини мувофиқлаштириш ва йўналтириш, уларнинг фаолияти устидан назоратни таъминлаш учун жавобгарлигини янада ошириш назарда тутилмоқда.

Фракция аъзоси Маъруф Усмонов эса давлатимиз раҳбарининг ташаббуси Ўзбекистонни сиёсий ва конституциявий асосда янада ривожлантириш, давлат ва сиёсий қурилиш тизимида қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг ролини кучайтиришда ниҳоятда муҳим аҳамиятга молик эканини таъкидлади. Қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизни ривожлантиришнинг муҳим принципи – «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилини бундан буён ҳам изчил амалга оширишнинг муҳим омили бўлади. Конституцияда жамоатчилик назорати институтининг мустаҳкамлаб қўйилиши фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита иштирок этишини таъминлаш, кичик бизнес ва тадбиркорликни, фермерликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратиш, хусусий мулк ва мулкдорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда депутатлар вакиллик органларининг роли ва таъсирини ошириш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш борасидаги вазифаларни ҳал этиш бўйича мавжуд имкониятларни кучайтиришда улкан аҳамиятга эга бўлади.

Шунинг учун ҳам фракция аъзолари қизғин муҳокамалар якуни бўйича мазкур қонун лойиҳасини бир овоздан қўллаб-қувватлаб, тегишли қарор қабул қилдилар.

↘ ХАБАРЛАР

### Фарғонада O`zLiDePчилар ғолиб

«Ташаббус» кўрик-танловининг Фарғона вилоят босқичида Қува туман кенгаши раиси етакчилик қилаётган «Роҳатой» фермер хўжалиги раҳбари Авазбек Тешабоев «Энг яхши фермер» номинацияси бўйича 1-ўринни, Фурқат туманидаги «Шаббода-Н» фермер хўжалиги раҳбари, O`zLiDeP вилоят кенгаши депутатлик гуруҳи аъзоси Нурали Ғаниев эса 2-ўринни эгаллади.

Шунингдек, «Энг яхши тадбиркор» йўналишида Қўштепа туманида фаолият юритаётган «Исмоилжон гиламлари» хусусий корхонаси раҳбари Иброҳим Султонов мутлақ ғолиб деб топилди.

Қайд этиш ўринлики, номлари тилга олинган юртдошларимиз зиммаларидаги партиявий вазифаларга ҳам масъулият билан ёндашиб, электорат ишончини қозонишга муваффақ бўлаяптилар.

**Б.ИСРОИЛОВ.**

### Байрамга байрамона туҳфа

Президентимизнинг «2013-2015 йилларда Тошкент вилояти йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида пойтахт вилоятида барча манбалар ҳисобидан 140 млрд. сўмга яқин маблағ сарфлаш кўзда тутилган. 18 та парк реконструкция қилиниб, кўкаламзорлаштирилиши, болалар аттракционлари ўрнатилиши кўзда тутилган.

Шунингдек, қарорда 43 та умумтаълим мактабини реконструкция қилиш, 50 тасини эса капитал таъмирдан чиқариш ва 12 мингдан ортиқ ўқувчининг таълим олиш шароитини янада яхшилаш учун 95 млрд. сўмдан зиёд маблағ сарфлаш белгиланган.

Бу яна бир бор Наврўз байрами Тошкент вилоятига улкан ўзгаришлар билан кириб келганидан далолатдир.

**Зиёдулла МЎМИНОВ.**




### «Orlando» ҳам Хоразмда ишлаб чиқарилади

«GM Uzbekistan» ЁАЖ қўшма корхонасининг янги модели — «Orlando» минивэни, шунингдек, яқин-яқингача фақат Асака заводи конвейерларидан чиққан «Damas» автомашиналари айни кунда Хоразмда ишлаб чиқарилмоқда.

Noviyvek.uz сайтидан олинган хабарларга кўра, «Хоразм автомобиль ишлаб чиқариш бирлашмаси» масъулияти чекланган жамиятининг йиллик ишлаб чиқариш қуввати 50 мингта автомобилга тенг. Бошқача айтганда, МЧЖда йилига 40 мингта «Damas» ва 10 минг дона «Orlando» йиғилади. Шу ўринда «Made in Uzbekistan» тамғаси билан 1996 йилдан буён истеъмолчилар эҳтиёжини қондириб келаётган «Damas»лардан ўтган йили тахминан 30 минг дона ишлаб чиқарилганини айтиб ўтиш лозим.

**Ш.ХЎЖАЕВ.**

## Орзу-ниятлар ушалган кун



*Фирдавсий ЖАББОРОВ,*
*O`zLiDeP фаоли:*

***— Давлатимиз раҳбарининг Наврўз байрамига бағишланган тантанали маросимдаги табрикларида «... ўзлигини, ўз қадр-қимматини, Ватан олдидаги ўз бурчини чуқур англаган, ўз олдига баланд марралар қўйиб, дунёдаги барча тенгдошлари билан беллашувга тайёр фарзандларимни бизнинг ишончимиз ва таянчимиз, ҳал қилувчи кучимиз, деб юксак қадрлаймиз ва сиз ёшларимизни эъзозлаб камол топтиришда ўзимизни ҳеч қачон аямаймиз» деган гаплари, шубҳасиз, мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги ёшлар қалбини фахр-ифтихорга тўлдирди, албатта.***

***Маълумки, XXI аср — интеллектуал мулк асрида ёшлар салоҳияти, куч ва иқтидорига бўлган талаб ҳамда эҳтиёж тобора ортиб боряпти. Аммо тангaнинг икки томони бўлганидек, айни пайтда жаҳон оммавий ахборот воситалари дунёнинг жуда кўп давлатларида ёш авлод вакилларининг ўзларига муносиб иш топа олмаётганликлари, ўқиш, таълим олиш имконига эга эмасликлари ҳақидаги хабарларни тарқатмоқда. Шундай бир пайтда Юртбошимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, демократик янгиланишлар мамлакатимиз ёшлари учун ўзига хос улкан имконият майдонини яратди. Ўзбекистон ёшларига ишонч ва таянч сифатида қаралаётгани эса зиммамизга жуда катта масъулият юклатилаётганидан ҳам далолатдир.***

***O`zLiDePнинг «Ёшлар қаноти» аъзолари ҳам барча тенгдошларимиз қатори ана шундай эътибордан руҳланиб, иқтисодий имкониятларимизни янада яхшилаш, тадбиркорлар учун яратиб берилган қулай шароитлардан унумли фойдаланиб, дунё бозорларида бемалол рақобатлаша оладиган тадбиркорларнинг янги авлодини қўллаб-қувватлаяптилар. Бугун 180 мингга яқин аъзомизнинг 50 фоиздан ортиғини ёшлар ташкил этяпти. Бу жуда катта куч, албатта. Шунинг учун ҳам билдирилган ишончни ўз ташаббусларимиз, иқтидоримиз, салоҳиятимизни намоён этиш орқали оқлашга ваъда берамиз.***

## Ўзбекистон бунёдкорлар, яратувчилар мамлакати



*Яшин МАНСУРОВ,*
*Тошкент вилоятидаги Чингелди маиший хизмат касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси:*

***— Президентимизнинг байрам табригини эшитиб, яна бир бор осмонимиз мусаффолиги, тинч ва осуда ҳаётимиз қадрига етиш лозимлигини чуқурроқ ҳис этдим. Давлатимиз раҳбари халқимиз нимани истайди, аввало, ўз юртида ва қўшни минтақаларда, бутун оламда тинчлик-осойишталик ҳукм суришини, турли-турли ҳудудларда давом этаётган қарама-қаршиликлар куч ишлатмасдан, фақатгина тинчлик йўли билан, сиёсий мунозаралар йўли билан ҳал қилинишини хоҳлашини бежиз таъкидламадилар. Бу гапда жуда чуқур маъно бор, албатта.***

***Зеро, дунёнинг турли нуқталарида юз бераётган низоли ҳолатлар, манфаатлар юзасидан келиб чиқаётган тўқнашувлар асосан оддий фуқароларнинг, айниқса, ёшлар ҳамда аёлларнинг турмуш тарзига салбий таъсир этаётир.***

***Бу эса тинчлик деган неъматнинг, эртанги кунга бўлган ишончнинг ҳаётимиз учун нақадар муҳим эканини кўрсатади.***

***Агар истиқлолгача бўлган даврни эсласак, нотинчлик Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтмаганини кўрамиз. Зеро, ўша пайтларда кучсиз давлат ўз фуқароларини оғир муаммолар билан ёлғиз қолдириши қандай оқибатларга олиб келганини кўрдик. Минг шукурки, бугун Ўзбекистон бунёдкорлик, яратувчанлик йўлидан бораяпти. Ислоҳотлар барча соҳа ва тизимларда изчил давом этяпти. Юрт тинч, янги уйлар, йўллар қуряпмиз. Мактаблар, коллеж-лицейлар бунёд этяпмиз. Бу, шубҳасиз, дунёда тан олинган «ўзбек модели»нинг самарасидир.***

***Ота-боболаримиз яшариш ва янгиланиш айёмидаги эзгу ният, албатта, амалга ошади, дейдилар. Шунинг учун мен тинч, осуда, фаровон юртимизга ҳеч қачон кўз тегмасин, дея яхши ният қилдим. Кўклам ҳар бир оилага қут-барака, хотиржамлик олиб кирсин!***

## Турсун момонинг шукронаси

***Наманган туманидаги Оқ ер маҳалласида сумалак сайли ўтказилмоқда.***

***Эзгу удумларга кўра сумалак катта ҳаётий тажрибага эга онахонлар бошчилигида тайёрланган. Зеро, бу жараён одатдаги бирор таом тайёрлаш каби оддий юмуш эмас, балки азалий анъаналаримизни асраб-авайлаш, ёш авлодни миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашдек маънавий-маърифий аҳамиятга эга қадимий удумдир.***

***Дошқозон бошида маҳалланинг табаррук онахони, тўқсон икки баҳорни қаршилаётган Турсун момо ўтирибди. Ҳаракатлари бардам, руҳан тетик момо сумалакни ковлар экан, етказганига шукур, дейди лаблари пичирлаб.***

***Сўнг атрофга назар ташлаб, гап бошлайди:***

***– Унутманглар, ўтган асрнинг 80-йиллари охиридаги алғов-далғов дамларда Яратган эгам халқимизга марҳамат кўрсатиб, Юртбошимиздек оқил, элпарвар инсонни бизга раҳнамо этиб берди. У кишининг узоқни кўзлаб вазминлик билан юритган сиёсатлари, улкан жасорати туфайли биз шу кунларга етишдик. Наврўз байрами халқимизга қайтди, муқаддас қадамжолар, зиёратгоҳлар обод қилинди. Диний ва дунёвий илмда беназир алломаларимиз номлари эъзозланди. Бундай эзгу амаллар, хайрли ишлар юртимизнинг обрў-эътибор топиши, халқимизнинг тинч-осойишта яшашига сабаб бўлмоқда.***

***Яқинда неварам “Бувижон, сизни бир айлантириб, ёшлигингиз ўтган жойларни кўрсатиб келаман”, деб ўзимизда ишлаб чиқарилган машинасига ўтирғизиб, йўлга тушди. Дастлаб Наманган шаҳрини, сўнгра унга ёндош қишлоқларни айландик. Бир-икки йил қишлоғимиздан чиқмаган эдим, атрофни танимасам денг. Тор, ўйдим-чуқур йўллар, пахсадан омонатгина қурилган уй-жойлар ўрнида бир чиройли иморатлар қад кўтарган. Ҳамма ёқ тоза-озода. Кўча машина билан тирбанд.***

***Ёшларга айтар гапим, шундай фаровон кунлар учун фақат шукур билан кифояланиб қолманг, энг улуғ неъмат – истиқлолни, юртимиздаги тинчлик-осойишталикни ўз жонингизни, уйингизни, фарзандингизни асрагандек авайланг, ёвуз ниятлардан, ёмон кўзлардан эҳтиёт қилинг.***

***Илоё, юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин. Ўзбекистонимизга кўз тегмасин. Ҳеч ғам кўрмайлик, ҳар кунимиз Наврўз бўлсин!***

*А.САТТОРОВ, ЎзА мухбири.*

БИР ҲОВУЧ ДУР

**Бир одам ариқ қазийди, минг одам сув ичади.**

***

**Ақл — одамнинг олтин тожи.**

Ўзбек халқ мақоллари.

ЮРТИМИЗДАГИ ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИК МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ПРЕЗИДЕНТИМИЗ РАҲНАМОЛИГИДА ХАЛҚИМИЗ ЭРИШГАН ЭНГ БУЮК ЮТУҚДИР. УЛУҒ АЖДОДЛАРИМИЗ ТИНЧ МАМЛАКАТ БАХТЛИ, САОДАТЛИ МАМЛАКАТДИР, ДЕБ БЕЖИЗ АЙТМАГАН. ЗЕРО, ТИНЧЛИК ҲУКМРОН ЮРТДАГИНА ИНСОН БУЮК ВА ЭЗГУ ОРЗУЛАРНИ КЎНГЛИГА ТУГИШИ ҲАМДА УЛАРНИНГ УШАЛИШИДАН ҚАЛБИ ҚУВОНЧГА ТЎЛИШИ, ЎЗ ИҚТИДОРИ, ҚОБИЛИЯТИ ВА САЛОҲИЯТИНИ ТЎЛА НАМОЙИШ ЭТИШИ МУМКИН.

# Шодиёна

# ҲАР КУНИМИЗ НАВРЎЗ БЎЛСИН!

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

Соат 10:00. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кириб келади.

Байрам тантанасига йиғилганлар давлатимиз раҳбарини қарсаклар билан кутиб олади.

Чорлов мусиқаси янграйди.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга берилади.

Давлатимиз раҳбари халқимизни баҳор, янгиланиш ва яшариш рамзи – Наврўз байрами билан муборакбод этади.

Муаззам майдоннинг атрофида турфа ранглардаги байроқчалар ҳилпирайди, улкан ҳаво шарлари майин эпкинда тебранади. Саҳна теграсида ўрнатилган анвойи гуллар жонланиб, қуёшнинг заррин нурларида жилоланади. Ҳаёт абадийлиги тимсоли бўлган чархпалакларнинг бир маромда айланиши, халқимизнинг обод ва файзли хонадонларини эслатувчи сўрилар, чаппар уриб гуллаган ўриклар, шўх-шан учаётган қалдирғочларнинг саси юракларда ажиб ҳисларни уйғотади.

Шундай фарахбахш дамларда она табиатда рўй бераётган яшариш, янгиланишларни қалбидан ўтказаётган ҳамюртларимиз кўнглида шодлик, яна бир Наврўзга, гўзал ҳаётнинг бебаҳо неъматларига эсон-омон етганимиз, эл-юртимиз тинчлиги ва фаровонлиги учун шукроналик туйғулари жўш уради.

Майдон узра карнай-сурнай ва ноғоралар садоси янграйди, жарчиларнинг чорлови байрам бошланганидан дарак беради. Гўё уларнинг садоси она заминни қиш уйқусидан уйғотиб, борлиққа баҳор сепини ёйганидан хабардор қилади.

«Фасли навбаҳор ўлди, кетибон зимистонлар...». Кўнгилларга баҳорий илиқлик, кўклам сурурини бахш этган сеҳрли оҳанглар оғушида юртимизнинг ҳусн-малоҳатда тенгсиз табиати, бетакрор қадимий обидаларию замонавий меъморчилик анъаналари асосида қад ростлаган муҳташам иморатлари, шаҳар ва қишлоқларимизнинг кўрку тароватли қиёфаси кўз ўнгимизда гавдаланади.

Халқимиз азалдан табиат уйғонадиган, йил янгиланадиган, дилларда янги орзу-умидлар туғиладиган кунни катта шоду хуррамлик, бунёдкорлик ва яратувчилик ишлари билан кутиб олган. Ота-боболаримиз Наврўзга покизалик, яхши орзу-ниятлар билан пешвоз чиққан. Чунки тозалик, саранжом-саришталик бор жойда қут-барака, сиҳат-саломатлик бўлади.

Бу йилги байрам ҳам диёримизнинг барча шаҳару қишлоқлари, овул ва маҳаллаларида фусункор ва кенг миқёсда – умумхалқ сайиллари тарзида кўтаринки руҳда нишонланаётир.

Президентимиз Ислом Каримовнинг жорий йил 24 февралда қабул қилинган «2014 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори энг ардоқли ва асл миллий байрамимизни муносиб кутиб олиш учун асос бўлди.

Ушбу қарорга мувофиқ юртимизнинг барча гўшаларида энг қадимий байрамимизни миллий қадриятларимизга ҳамоҳанг равишда халқ сайиллари тарзида нишонлашга қаратилган «Ҳар кунимиз Наврўз бўлсин!» деган ғояни ўзида мужассам этган кенг кўламли тадбирлар амалга оширилди.

Баҳорнинг дастлабки кунларидан юртимизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари авжига чиқди. Қишнинг рутубатли кунларидан сўнг уй-жойлар саранжом-саришта қилинди. 15 март куни мамлакатимиз бўйлаб уюштирилган умумхалқ хайрия ҳашарида маҳалла ва кўчалар тозаланди, хиёбону боғлар, корхона ва ташкилотлар атрофи ободонлаштирилди. Табаррук қадамжолар, қабристонлар тартибга келтирилиб, мевали ва манзарали дарахтлар, гул кўчатлари ўтқазилди. Кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексалар, ногиронлар ҳолидан хабар олинди, уйлари тартибга келтирилиб, байрам совғалари улашилди. Буларнинг бари меҳр-оқибат, муҳтожларга ғамхўрлик кўрсатиш, инсонпарварлик ғоялари жамиятимизнинг устувор мақсадига айланганидан дарак беради...

...Саҳнага келажагимиз эгалари – болажонлар кириб келади. Улар ўзларининг шўх-шодон қўшиқлари, жозибадор рақслари билан болалик оламининг гўзал ва бахтиёр онларини мадҳ этади.

Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур, қудратли юртнинг фарзандлари соғлом бўлур. Давлатимиз раҳбарининг ана шу ғоясини ҳаётга татбиқ этиш мақсадида мустақилликнинг илк йиллариданоқ мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Барча саъй-ҳаракатларимиз жисмонан бақувват, фикри соғлом, имон-эътиқоди бутун, билимли, маънавияти юксак, мард ва жасур, ватанпарвар авлодларни тарбиялаб вояга етказишга қаратилган.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 2014 йил мамлакатимизда Соғлом бола йили, деб эълон қилингани ана шу ғамхўрликнинг амалдаги яна бир ёрқин ифодаси бўлди.

Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, ҳар жиҳатдан соғлом авлодни вояга етказишга қаратилган «Соғлом она – соғлом бола» дастури доирасида улкан ишлар амалга оширилди. Болаларнинг соғлом туғилиши ва соғлом улғайиши учун шароит яратиш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш, таълим тизимини такомиллаштириш, болалар спортини ривожлантириш каби соҳалардаги изчил ислоҳотлар бир-бирини тўлдириб, узвий тизим шаклини олди. Бугун замонавий тиббий марказлар, таълим муассасалари, спорт иншоотлари ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Сўнгги ўн йилда даволаш-профилактика муассасаларини модернизация қилиш ва энг замонавий ускуналар билан жиҳозлаш учун 750 миллион АҚШ долларидан зиёд маблағ йўналтирилди.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизнинг 92 фоиз ўғил-қизлари ривожланиш кўрсаткичлари бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига тўла мос келади. «Save the Children» халқаро ташкилоти рейтингига кўра, Ўзбекистон дунёдаги болалар саломатлиги тўғрисида энг кўп ғамхўрлик кўрсатадиган ўнта мамлакат қаторидан жой олди.

Мамлакатимизда соғлом, баркамол авлодни вояга етказишнинг асосий воситаси сифатида спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Юртбошимиз ташаббуси билан ташкил этилган уч босқичли узлуксиз спорт тизими – «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», Универсиада спорт мусобақалари навқирон авлодни спортга кенг жалб этиш билан бирга Ватанимиз байроғини халқаро майдонларда баланд кўтарадиган спортчиларни кашф этишда ғоят катта аҳамият касб этаётир. Болалар спортини ривожлантириш борасида мамлакатимизда яратилган тизим ва тўпланган тажриба жаҳонда кўпчиликда қизиқиш ва ҳавас уйғотмоқда.

Бу борадаги кенг кўламли саъй-ҳаракатлар самараси фарзандларимизнинг саломатлигида, жисмоний кўрсаткичларида ҳам намоён бўлмоқда. Ўртача вазн кўрсаткичи 14 ёшгача бўлган ўғил болалар ўртасида 43 килограммдан 47 килограммга, қизлар ўртасида эса 44 килограммдан 48 килограммга ортган. Болаларнинг бўйи ўғил болалар ўртасида ўртача 3 сантиметрга, қизлар ўртасида эса 2,9 сантиметрга ўсгани халқимизнинг соғлом болани тарбиялаш борасидаги эзгу орзу-умидлари ушалаётганидан далолат беради.

...Саҳнани тўлдирган болакайларнинг чиқишларида ҳам бу жиҳатлар ўз ифодасини топади. Уларнинг майдон узра янграётган шўх-шодон кулгилари, она Ватанни, кўкламни, бахтиёр боликни, мустақил юрт фарзандларининг беғубор ва қувноқ дамларини мадҳ этувчи жарангдор куй-қўшиқлари, жозибадор рақслари барчага завқ-шавқ улашади...

Тинчлик ва осойишталик, аҳиллик ва бирдамлик ҳукмрон, фидойилик, изланиш, ташаббус ва ҳалол меҳнат қадрланган юртда қут-барака бўлади. Буни мамлакатимизда иқтисодий барқарорлик, юксалиш суръатлари давом этаётганида яққол кўриш мумкин. Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар самарасида 2013 йилда аҳоли турмуш даражасини изчил юксалтириш таъминланди, Ўзбекистоннинг дунё бозоридаги позицияси мустаҳкамланди. Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8 фоизга ўсди.

Янги иш жойлари ташкил этиш, айниқса, ёшларни ва хотин-қизларни иш билан таъминлашга қаратилган эътибор натижасида аҳоли турмуш даражаси юксалиб бормоқда. Ўтган йили бир миллионга яқин янги иш ўрни яратилди, аҳолининг реал даромадлари миқдори муттасил кўпайишига эришилди.

Ижтимоий соҳани ислоҳ этиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида қишлоқлар қиёфасини тубдан ўзгартириш, намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қуриш, қишлоқда замонавий инфратузилмани шакллантириш ҳисобидан аҳоли ҳаёт даражасини янада яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида замонавий уй-жой қуриш дастурининг амалга оширилиши натижасида 2009-2013 йилларда мамлакатимизнинг 159 қишлоқ туманида 900 дан ортиқ янги уй-жой массивлари барпо этилди, 33,5 мингдан зиёд якка тартибдаги уй-жой қурилди. Булар Президентимиз раҳнамолигида Ватанимизни ҳар томонлама обод қилиш, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдек олий мақсад йўлида амалга оширилаётган беқиёс ишларнинг амалдаги ифодасидир.

Бу 2013 йил 16-17 апрель кунлари мамлакатимизда бўлиб ўтган «Замонавий уй-жой қурилиши – қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили» мавзусидаги халқаро конференцияда нуфузли халқаро ташкилотлар вакиллари, уй-жой қурилиши соҳасидаги йирик компаниялар раҳбарлари, етакчи мутахассислар томонидан эътироф этилди.

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбари Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг «ўзбек модели»нинг ўзига хос жиҳатларидан бири қишлоқларимизни изчил ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилаётганидадир. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек, барчамизнинг илдизимиз, томиримиз авваламбор қишлоқ заминига бориб тақалади.

Бугунги кунда юртимизнинг барча ҳудудларида намунавий лойиҳалар асосида халқимизнинг миллий ҳаёт тарзи, ҳудудларнинг табиий иқлим шароити, шу билан бирга, замонавий муҳандислик-коммуникация тизимлари билан уйғун ҳолда, баҳаво, кенг, қулай ва ёруғ қилиб бунёд этилаётган уй-жойлар қишлоқ аҳолисининг муносиб ҳаёт кечириш борасидаги орзуларини рўёбга чиқармоқда. 2013 йилда 353 қишлоқ массивида барпо этилган 10 мингта шинам уйлар минглаб оилалар ҳаётида ана шундай янги даврни бошлаб берди.

...Саҳна теграсидаги йирик мониторларда юртимизда эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш, халқимизнинг, шу заминда яшаётган ҳар бир инсоннинг орзу-ниятларини рўёбга чиқариш, қишлоқда турмуш даражасини юксалтириш мақсадида изчиллик билан амалга оширилаётган эзгу ишларнинг самаралари акс этган тасвирлар байрам иштирокчилари қалбида эришган ютуқларимиздан фахрланиш ва мамнуният туйғуларини жўш урдиради...

Бу йилги Наврўз тантаналарида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг бадиий-фольклор ва этнографик жамоалари чиқишларига кенг ўрин берилган. Ҳар бир ҳудуднинг ранг-баранг дастурларида унинг ўзига хос анъаналари, лапару ўланлари, рақс ва ҳазил-мутойиба, бахшилар айтишуви ижро этилди. Ҳур диёримизда бир тану бир жон бўлиб яшаётган барча миллат ва элатлар вакилларининг бадиий чиқишлари қалбларни фахрга тўлдирди.

Истиқлол йилларида миллий мусиқамизни чуқур ўрганиш ва ривожлантириш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Шашмақом, Катта ашула, Наврўз инсониятнинг энг дурдона кашфиётлари сифатида ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон номоддий мероси рўйхатига киритилди. Бу халқимизнинг минг йиллик қадриятлари умуминсоний цивилизация ривожига улкан ҳисса қўшгани, одамзотни эзгуликка, бирдамликка, тинч-тотув яшашга, табиатнинг абадий мувозанатини асрашга ундаб келаётганининг юксак эътирофидир.

...Мақом, фольклор-этнографик ансамблларининг чиқишларида, турфа рақсларда, халқ ўйинларида кўп минг йиллик тарихга эга, гўзал ва бетакрор байрамимизнинг ноёб қирралари ўз аксини топган.

Юртимиздаги тинчлик ва осойишталик мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида халқимиз эришган энг буюк ютуқдир. Улуғ аждодларимиз тинч мамлакат бахтли, саодатли мамлакатдир, деб бежиз айтмаган. Зеро, тинчлик ҳукмрон юртдагина инсон буюк ва эзгу орзуларни кўнглига тугиши ҳамда уларнинг ушалишидан қалби қувончга тўлиши, ўз иқтидори, қобилияти ва салоҳиятини тўла намойиш этиши мумкин.

Юрти тинч, кўнгли хотиржам халққа тўй ва тантаналар ярашади. Халқимиз бу олий неъматни доим улуғлаб келишининг, Яратгандан доимо тинчлик ва осойишталик, фаровонлик ва ободлик тилашининг сабаби шунда. Президентимиз Ислом Каримов таъбири билан айтганда, Ўзбекистонимиз мустақил тараққиёт йўлида қандай улкан, бошқаларнинг ҳавасини тортадиган ютуқ ва марраларга эришган бўлса, буларнинг барчасининг негизи – юртимизда тинч ва осуда ҳаёт, миллатлар ва фуқаролараро тотувлик, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатликни асраб-авайлаб келаётганимиздадир.

– Ўзбекистонда ҳар бир байрам кўтаринки руҳда нишонланади, – дейди Япониянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Фумихико Като. – Наврўз байрамининг ўзига хос шукуҳи мени мафтун қилди. Байрам тантанасидаги улуғворлик, одамлар юз-кўзидаги қувонч ва шодлик юртингиздаги тўкинлик, фаровонлик ва осуда ҳаётдан дарак бериб турибди.

...Халқимиз Наврўзни ҳар йили ўзгача соғинч, интиқлик билан кутиб олади. Ёшу қари кўча ва хиёбонларга, сайилгоҳларга, қиру адирларга интилади. Сайил қизигандан қизийди: бахшилар дўмбира чертади, ҳофизу хонандалар хониш қилади, терма ва лапарлар янграйди, аскиячи ва қизиқчиларнинг ҳангомаю пайровлари кўнгилларга шодлик улашади. Кишилар дорбозлар баҳси, масхарабозу қўғирчоқбозларнинг томошалари, пойга, улоқ-кўпкари, кураш, мерганлик мусобақаларидан завқланади.

– Наврўз бизни табиатга янада яқинлаштиради. Барча саъй-ҳаракатлар инсон учун, Ватан равнақи, юрт тинчлиги, юксалиш ва фаровонлик учун хизмат қилишига ишонч-эътиқодимизни оширади, – дейди Жиззах вилояти Зомин туманидаги «Тинчлик» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Гулсара Усмонова. – Бу йилги Наврўз тантаналарида «Соғлом бола йили»нинг олижаноб мақсадлари мужассам этилгандир.



***Ҳозирги вақтда мамлакатимизнинг 92 фоиз ўғил-қизлари ривожланиш кўрсаткичлари бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига тўла мос келади. «Save the Children» халқаро ташкилоти рейтингига кўра, Ўзбекистон дунёдаги болалар саломатлиги тўғрисида энг кўп ғамхўрлик кўрсатадиган ўнта мамлакат қаторидан жой олди.***

Наврўз биз учун бунёдкорлик ва яратувчилик байрами сифатида ҳам қадрлидир. Наврўздан Наврўзгача мамлакатимизда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилади. Бу эзгу анъана бу йил ҳам давом этди. Умумий қиймати 2 миллиард 700 миллион АҚШ долларидан иборат бўлган ишлаб чиқариш йўналишидаги 150 лойиҳани амалга ошириш ишлари ниҳоясига етказилди. Тошкент ва Наманган вилоятларида замонавий тўқимачилик комплекслари, Жиззах ва Хоразм вилоятларида тўқув-йигирув, Самарқанд вилоятида спорт пойабзаллари ишлаб чиқариш корхоналари фойдаланишга топширилди.

2013 йилда 146 замонавий тиббиёт муассасаси фойдаланишга топширилди. 756 таълим маскани, мусиқа ва санъат мактаблари, болалар спорти объектлари янгидан қурилди, реконструкция қилинди ва капитал таъмирланди.

Мамлакатимиз автомобилсозлари «Соғлом бола йили»да яна бир янги автомобиль – «Chevrolet Orlando» оилавий миневэнини ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Бундай саъй-ҳаракатлар моҳиятида юртдошларимизнинг турмуш тарзини янада яхшилаш, фаровон ва тўкин ҳаётни таъминлашга интилишдек эзгу ниятлар мужассам.

...Муаззам саҳнада санъат усталари, ёш ижрочиларнинг она юртни, истиқлолни, янгиланиш ва яшариш айёмини, муҳаббатни мадҳ этган чиқишлари қалбларни тўлқинлантиради. Мусиқий оҳанглар, дилтортар рақслар, бетакрор саҳна манзаралари кишига завқ-шавқ бағишлайди. Бундай шукуҳли дамларда Ватанга муҳаббат ва садоқат, ўзгаларга меҳр-оқибат кўрсатиш туйғуси жону танимизга янада теранроқ сингаётгандек.

Байрам тантаналари сунъий йўлдош орқали кўплаб хорижий мамлакатларга тўғридан-тўғри узатилгани истиқлол йилларида халқимиз эришган улкан ютуқлар, Ватанимиз тинчлиги, эл-юртимиз тараққиёти ва фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган улуғвор ишларнинг амалдаги яна бир яққол намойиши бўлди.

Бугун юртимизда, унинг барча шаҳар ва қишлоқларида Наврўз сайли, шодиёналар давом этмоқда.

**Матназар ЭЛМУРОДОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# Сайловчи ва депутат учрашувлари

**Юртдошларимизнинг демократик ислоҳотларни тўла қўллаб-қувватлаётганлари, айниқса, тадбиркорлар ва фермерлар бу жараёнларни чуқур таҳлил этаётганларини кўрсатди**

**Озод РАЖАБОВ,**
«XXI asr»

O`zLiDeP фракцияси аъзоларининг таъкидлашларича, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги қонун талабларига мувофиқ сайловчилар билан ўтказилган навбатдаги учрашувларда асосий эътибор демократик ислоҳотлар ва янги қонунларнинг мазмун-моҳияти, иқтисодиётни модернизациялаш ва либераллаштириш борасидаги ўзгаришларга қаратилди.

Шу ўринда бу галги тадбирлар Президентимиз Ислом Каримовнинг Бош қомусимизнинг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги «Амалга ошираётган ислоҳотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш – ёруғ келажагимизнинг асосий омилидир» номли маърузасида белгилаб берилган устувор вазифалар ижросини таъминлашда O`zLiDeP зиммасидаги масъулиятни ошириш масаласига қаратилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Фракция аъзолари беш кун давомида жами 403 та учрашув ўтказиб, 46 мингдан зиёд сайловчининг ижтимоий онги, ҳаётга бўлган муносабати, юз бераётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан фуқаролик масъулияти, дахлдорлик ҳисси тобора ошиб бораётганига гувоҳ бўлганларини қайд этдилар.

— Учрашувлар давомида фракциямиз аъзоларига юртимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига оид 1500 дан зиёд мурожаат тушди, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O`zLiDeP фракцияси аъзоси Насим Алимов. — Уларнинг 795 таси жойларнинг ўзида ҳал этилди. Қолган мурожаат ва таклифлар эса тегишли идораларга юборилиб, улар ечими қатъий назоратга олинди.

Маълумки, мамлакатимиз аграр секторида бозор муносабатларини жорий этиш, хусусий мулкчиликни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги тармоқларини диверсификациялаш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш бўйича кучли ҳуқуқий база шакллантирилган бўлиб, бу жараён мунтазам такомиллаштирилмоқда. Амалдаги қонун ҳужжатлари иқтисодиётнинг мазкур тармоғини барқарор ва жадал ривожлантириш, унинг рақобатбардошлиги ва экспорт салоҳиятини таъминлаш баробарида фермерлик ҳаракатини тизимли равишда давлат томонидан қўллаб-қувватланишини таъминламоқда. Натижада қишлоқларимизда етакчи кучга айланган фермерлар ўз ҳудудларида ишлаб чиқаришнинг асосий субъектига айланиб, аҳолининг турмуш фаровонлигини юксалтиришга катта ҳисса қўшмоқдалар.

Сайловчилар билан учрашувлар чоғида аграр секторни янада ривожлантириш, соҳага оид қонунларни янада такомиллаштириш юзасидан ҳам талай таклифлар билдирилди. Хусусан, қишлоқ хўжалиги экинларини экиш бўйича бозор конъюнктурасидан келиб чиқиб фермер хўжаликларининг ахборот таъминотини йўлга қўйиш, хўжаликларда мевали дарахт ва ток кўчатларини кредитлар ҳисобига олишни ташкил этиш, меваларни қуритиш ва қайта ишлаш технологиялари, совуткич омборлари қуриш учун банк кредитларини олишни янада соддалаштириш ҳақидаги мурожаатлар шулар жумласидандир.

Депутатларнинг фикрича, ушбу масалалар O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси билан биргаликда қатъий назоратга олинди.

Учрашувлар давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка оид масалалар, аҳоли бандлиги ва уларни иш билан таъминлаш борасидаги ишларга сайловчилар катта қизиқиш билдирганларини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Бунда, энг аввало, «Ўзбекистон Республикасида иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастури»нинг бажарилиши борасида катта ишлар амалга оширилаётганлигини сайловчилар алоҳида эътироф этдилар.

Фракция аъзолари аксарият учрашувларда тараққиётимизнинг бир неча ўн йилликларини қамраб олган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»нинг устувор йўналишлари ижроси нафақат парламент, балки жойлардаги маҳаллий кенгаш депутатлари масъулиятини ҳам оширгани, бундан эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари том маънода манфаат кўраётганлари хусусида ҳам фикрлар билдиришган.

Энг чекка ҳудудларда ўтказилган учрашувларда қонун ижодкорлиги жараёнининг очиқ-ошкоралиги, парламент қуйи палатасида тайёрланаётган қонун лойиҳаларидан кўзда тутилган мақсад ва бу жараёнда сайловчиларнинг таклиф ва тавсияларидан фойдаланиш масалаларига жиддий эътибор қаратилганини ҳам депутатлар алоҳида таъкидлаяптилар.

Хусусан, навоийлик сайловчилар билан учрашувлар чоғида O`zLiDeP фракцияси аъзолари Равиль Собиржонов ҳамда Фахриддин Солиевга «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» доирасида ишлаб чиқилган ва парламент қуйи палатасида муҳокама этилаётган қонунлар юзасидан ўнлаб саволлар тушган. «Ижтимоий шериклик тўғрисида», «Тижорат сири тўғрисида»ги қонунларнинг мазмун-моҳияти, уларнинг қабул қилинишига сабаб бўлган омиллар хусусида ҳам маълумотлар сўралган.

Бундан ташқари депутатлар сайловчилар мурожаати асосида «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган ишлар, «Соғлом она — соғлом бола» тамойили асосида туғиш ёшидаги аёлларнинг репродуктив саломатлигини, айниқса, кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини яхшилаш, болалар спорт-соғломлаштириш мажмуалари қуриш билан боғлиқ кўплаб саволларга ҳам жавоб қайтардилар.

113-Бешкент сайлов округида ўтган учрашувларда депутат Тўлқин Турсуновга «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида», «Тадбиркорлик фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунларнинг мазмун-моҳияти хусусида кўпроқ саволлар тушган.

— Деҳқонобод лампа ишлаб чиқариш корхонаси ёшлари билан бўлган учрашув ҳам савол-жавобларга бой бўлди, — дейди O`zLiDeP фракцияси аъзоси Шоира Ҳайдарова. — Ғузор молия-иқтисодиёт коллежи, «Севинч» маиший хизмат уйида ташкил этилган учрашувларда эса «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ҳақида сайловчиларга кенгроқ маълумотлар бердик.

Китоб тумани сайловчилари билан депутат Қаҳрамон Эргашевнинг учрашувларида эса кўпроқ имтиёзли кредитлар ажратиш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш масалалари муҳокама этилди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, O`zLiDeP фракцияси аъзоларининг сайловчилар билан навбатдаги учрашувлари депутатлар ва парламент фаолиятига қизиқиш ортиб бораётгани, депутатлар корпусининг фаолияти сайловчилар назоратида эканини ҳам кўрсатди.

Шунинг учун ҳам депутатлар сайловчиларнинг барча таклиф ва мулоҳазалари ҳамда муаммоли мурожаатларидан фракциянинг қонунчилик фаолиятида фойдаланиш ҳамда улар асосида ялпи мажлис сессияларига масалалар тайёрлашга қарор қилдилар.

# Электрон тижорат – қулай восита

**O`zLiDeP Қашқадарё вилоят кенгаши «Аёллар қаноти» бўлимининг «Тадбиркорлик тамойиллари ва ишбилармонлик имкониятлари» лойиҳаси доирасидаги навбатдаги йиғилиши тадбиркорлик ва фермерликни жадал ривожлантиришда электрон тижоратнинг самарали аҳамиятига бағишланди**



**Сайфулла ИКРОМОВ,**
«XXI asr»

Партия фаоллари, маҳаллий депутатлар, тажрибали тадбиркор ва фермер хотин-қизлар иштирокидаги давра суҳбатида электрон тижоратнинг қулай имкониятлари билан бирга аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, вилоятда кичик бизнес, тадбиркорлик ва сервис соҳасини ривожлантиришда хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

— Вилоятимизда кичик бизнес, тадбиркорлик ва сервис соҳасини ривожлантиришда хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш билан боғлиқ масалалар партия фаолларининг доимий диққат марказида экани бу борадаги ишлар кўлами йил сайин ортишига омил бўлмоқда, — дейди Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими бошлиғи Гулбаҳор Тўраева. — Қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш даражасини оширишнинг самарали воситаларидан бири — оилавий тадбиркорликни ҳар томонлама ривожлантиришдир. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, жорий йилги «Тадбиркорлик тамойиллари ва ишбилармонлик имкониятлари», «Оилавий тадбиркорликдан — мустаҳкам оилага» лойиҳалари доирасида ўтказилаётган учрашувларда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, бизнесни режалаштириш, бизнес-ғоя танлаш ва уни ишлаб чиқиш каби мавзуларга кўпроқ эътибор қаратилмоқда. Чунки оила аъзолари меҳнати ва манфаатдорлигига асосланган тадбиркорликнинг бу тури фаолиятни фарзандларимиз тарбияси билан қўшиб олиб бориш, кўпчилик аёлларимизга оиласи бағрида иш билан банд бўлиш имкониятини бермоқда. Энг муҳими, уй бекаларимиз касб-ҳунарлари орқали оиласи даромадига даромад қўшишаяпти.

Тадбирда вилоятдаги 12 288 нафар O`zLiDeP аъзосининг 35 фоизини ташкил этаётган қашқадарёлик опа-сингилларимиз орасида бугунги ўзгариш ва янгиланиш жараёнларида фаол иштирок этибгина қолмай, ўзининг сиёсий билими, профессионал малакаси, ишбилармонлик маҳоратини намоён этган ҳолда иқтисодиётимизни юксалтиришга муносиб ҳисса қўшиб келаётганлар ҳам кўпчиликни ташкил этаётгани алоҳида эътироф этилди.

— Ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда товарларни сотиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишга доир тадбиркорлик фаолиятини электрон воситалар ёрдамида бажариш тадбиркорларга кенг имконият яратади, — дейди Ғузор тумани «Шерали кўли» балиқчилик корхонаси раҳбари Лайло Холматова. — Бугунги тадбирда электрон тижорат учун зарур бўлган оферта (шартнома тузиш таклифи) ёки акцепт (таклиф қабул қилиниши) каби терминлар билан илк бор танишдим. Келгусида бир қатор тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида молиявий кўмак олаяпман. Ишлаб чиқариш, сервис хизматини йўлга қўйиш ниятим бор. Электрон воситалар ёрдамида фаолият юритсам, қолган вақтимни фойдали ишга сарфлаш имкони пайдо бўлар экан. Партия томонидан бундай тадбирларнинг тез-тез ташкиллаштирилиши соҳадаги янгиликлардан ўз вақтида хабардор бўлиб, яратилаётган қулай имкониятлардан фойдаланишимизга хизмат қиляпти.

Анжуманда, шунингдек, кун тартибидан ўрин олган масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирган партия фаоллари чекка қишлоқларда истиқомат қилаётган хотин-қизларни тадбиркорликка жалб этиш орқали бандлигини таъминлаш борасидаги ишлар етарли самара бермаётганлигини айтиб ўтишди. Банк муассасалари томонидан тадбиркор ва фермер хотин-қизларга ажратилаётган кредит маблағларининг миқдорини ошириш, муддатини узайтириш заруурлиги, аёлларни тадбиркорликка йўналтириш бугуннинг долзарб вазифаси эканлиги алоҳида таъкидланди.

**«ЁШЛАР ҚАНОТИ»**

# Изчил қўллаб-қувватлаймиз

**O`zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши ташаббуси билан Тошкент молия ва иқтисодиёт коллежида «Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда O`zLiDePнинг устувор вазифалари» мавзуида очиқ мулоқот ташкил этилди**

**Мастура ХАИТОВА**

Янги авлод вакилларини ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнига янада кенгроқ жалб этиш, келажагимиз ворисларига уларнинг касбий, ижодий ва мансаб пиллапоялари орқали ўсиши учун кенг имкониятлар яратиш, «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижросини таъминлашда ёшлар фаоллигини ошириш масалалари муҳокама этилган тадбирда пойтахтимиздаги 26 120 нафар партия аъзосининг 13 920 нафарини ёшлар ташкил этаётгани, ўз навбатида 949 та бошланғич ташкилотнинг 185 тасига 30 ёшгача бўлганлар етакчилик қилишаётгани тилга олинди.

— Амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида биз, ёшлар сиёсати ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани бугунги натижаларга асос бўлмоқда, — дейди коллежнинг 1-курс ўқувчиси Улуғбек Абдуллаев. — 2008 йилнинг «Ёшлар йили», 2010 йилнинг «Баркамол авлод йили», бу йил эса «Соғлом бола йили» деб эълон қилингани ҳам шундан далолат беради. Бугунги тадбир давомида эса «Соғлом бола йили» Давлат дастурида таълим-тарбия, оилада соғлом муҳит, унинг иқтисодий ва маънавий-ахлоқий асосларини мустаҳкамлаш, ижтимоий соҳа ривожига ажратилаётган маблағлар самарадорлигини ошириш ҳақидаги маълумотларга эга бўлдик. Бундан ташқари Давлат дастурига кўра, саккизта қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш режалаштирилаётгани бизда катта қизиқиш уйғотди.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O`zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши раисининг Ёшлар масалалари бўйича ўринбосари Одилжон Аширов йиғилганларга Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсати қандай қоидаларга асосланиши ҳақида маъруза қилди.

**ХАБАРЛАР**

## Олмалиқдаги тантаналар шукуҳи

Куни кеча Олмалиқ шаҳрида бунёд этилган янги стадионда Наврўз айёмига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди. Унда вилоятнинг барча туман ва шаҳарларидан ташриф буюрган юртдошларимиз халқ ўйинлари, дорбозлар, таниқли санъаткорларнинг чиқишларини томоша қилдилар. Бир гуруҳ деҳқонлар рамзий маънода ерга уруғ қадаган бўлсалар, вилоят соҳибкор ва боғбонлари кўпни кўрган кексалар иштирокида яхши ният билан юмушларига киришдилар.
Наврўз — янги кунга Тошкент вилоятида улкан режалар билан кирилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Хусусан, 2014 йилда вилоятда 395 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш ва 7,3 млн. долларлик экспорт амалга оширилиши кутилмоқда. Ўтган йил ҳамда жорий йилнинг 1 чораги натижалари ҳам ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида янада самарали лойиҳалар амалга оширилаётганидан далолат бермоқда.
Наврўз тантаналарида иштирок этган вилоят ҳокими Аҳмаджон Усмонов ҳам галдаги режалар хусусида қисман тўхталиб, барчани ана шу жараёнда фаол иштирок этишга чақирди.
Наврўз тантаналари санъаткорлар ва халқ ижодиёти вакилларининг чиқишлари билан давом этди.

**Зиёдулла МЎМИНОВ.**

## Соғлом болаларга — сара кийимлар

Томчида қуёш акс этганидек, Элликқалъа туманидаги «Суҳроб-Зоҳид» хусусий корхонаси ҳам «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижросига оз бўлса-да, ўз улушини қўшди.
Бу ерда хотин-қизлар учун 5 та янги иш ўрни яратилди. Айни пайтда маиший хизмат касб-ҳунар коллежини битирган янги ходимлар болалар учун хушбичим либослар тикяптилар. Дастлабки маҳсулотларга эса мижозлар юқори баҳо бердилар.
Аслида мазкур корхонада мувофиқлик сертификатига эга бўлган полиэтилен қувурлар, рубероид, тротуар брусчаткаси, хўжалик буюмлари ишлаб чиқарилар эди. Тикувчилик цехи эса қўшимча йўналиш бўлди.
— Хусусий корхонада жами 25 нафар ишчи-хизматчи юксак сифат, мақбул таннарх ва маҳсулотнинг бозорбоплиги учун жон куйдирмоқда, — дейди Ўзбекистон Либерал-демократик партияси туман кенгаши аппарат раҳбари Дилшодбек Матчонов. – Улар орасида партиямизнинг фаол аъзолари борлиги қувонарли, албатта.

**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ.**

## Чуст ош чемпионати мезбони

Чуст шаҳри Наврўз байрамига бағишлаб ўтказиладиган хайрия ош чемпионатига мезбонлик қиладиган бўлди.
Маълумотларга кўра, Ўзбекистон ошпазлар уюшмаси томонидан «Oshxona.Uz» интернет-лойиҳаси билан ҳамкорликда ташкил этиладиган кўрик-танловда нафақат водийлик, балки юртимизнинг бошқа ҳудудларидан ҳам уста ва ҳаваскор ошпазлар иштирок этишлари мумкин.
Уюшма сайтининг хабар қилишича, «Ҳар кунимиз Наврўз бўлсин!» шиори остида ўтказиладиган бу чемпионат орқали йиғилган маблағ Наманган вилоятидаги 26-Меҳрибонлик уйи ҳисобига ўтказилади.
Чемпионат 29 март куни Чуст шаҳридаги «Oshxona.Uz» мажмуида бўлиб ўтади.

**Шуҳрат ХЎЖАЕВ.**

**O`zLiDeP Матбуот хизмати хабар қилади**

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН.**
Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллиги ва Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил якунлари ҳамда 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузалари юзасидан O`zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши ҳузуридаги «Сиёсий таълим маркази» томонидан Қўнғирот ва Хўжайли туманлари ҳокимлигида ўқув семинарлар ташкил этилди.
— Ўзаро савол-жавоблар асосида ўтган ушбу тадбирлар партия фаоллари, депутатлар ҳамда бошланғич партия ташкилоти етакчилари ўртасида катта қизиқиш уйғотганлиги шубҳасиз, — дейди O'zLiDeP Қўнғирот туман кенгаши раиси И.Джумамуратов. — Зеро, сафдошларимизнинг ғоявий-сиёсий билимларини ошириш, уларнинг ислоҳотлар жараёнида фаол иштирок этишларини таъминлаш бугун ҳар қачонгидан муҳим аҳамиятга эгадир.
Тадбир якунида иштирокчиларни қизиқтирган саволларга мутахассислар томонидан атрофлича жавоб қайтарилди.

**НАМАНГАН.**
O`zLiDeP Наманган вилоят кенгаши томонидан ҳудудий дастурлар ижросини таъминлаш, электорат вакиллари саналган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.
Бунда «Диплом билан — бизнесга», «Ишбилармон талаба», «Парламентда менинг ўрним», «Мулкдор оила» каби партиявий лойиҳаларнинг мақсад ва вазифаларини тарғиб қилиш, уларга ёшлар, хотин-қизларни кенг жалб этиш, шунингдек, маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари фаолиятини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётганлигини таъкидлаш жоиз.
— 2013 йил давомида шаҳар, туман, вилоят кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари томонидан 55 та масала муҳокама этилиб, уларда 29 нафар мансабдор шахснинг ҳисоботлари эшитилди, — дейди вилоят партия кенгаши депутатлик гуруҳлари билан ишлаш сектори мудири Орифжон Маҳмудов. — Жумладан, 7 та масала халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари сессиялари кун тартибига киритилиб, шу асосда тегишли қарорлар қабул қилинди.
Ўтган йили маҳаллий кенгашлардаги 22 та бўшаб қолган депутатлик ўрнининг 13 тасига ёки 59 фоизига O`zLiDePдан кўрсатилган номзодлар сайлангани, уларнинг 17 нафари шаҳар, туман кенгашлари, 5 нафари эса вилоят кенгаши депутатлигига сайлангани бу ишларни янада жонлантиришга хизмат қилди.

**ЭЪЛОН**

Сурина Татьяна Владимировнага 1982 йилда Олмазор (аввалги С.Раҳимов) туманидаги 165-мактабдан берилган 979735-сонли аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Огий Вячеслав Николаевичга 1981 йилда Олмазор (аввалги С.Раҳимов) туманидаги 165-мактабдан берилган 555236-сонли аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

# БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

11 (539)-сон, 2014 йил 20 март, пайшанба

# Жамоатчилик назорати қуйи бўғиндан бошланади

**Фарғонада O`zLiDePнинг мақсад ва вазифалари тўла таъминланишида бошланғич ташкилотлар билан маҳаллий кенгашлардаги депутатлар ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этмоқда**

**Беҳзод ИСРОИЛОВ,**
«XXI asr»









2013 йилда халқ депутатлари Фарғона вилоят кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи ташаббуси билан ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш ва сайловчилар манфаатини ҳимоя қилишга оид 4 та долзарб масала вилоят кенгаши сессияси, 3 та масала эса доимий комиссиялар муҳокамасига киритилган эди. Шунингдек, депутатлик гуруҳи йиғилишида Қува, Фарғона, Бувайда, Бағдод ва Учкўприк туманлари ҳокимлари ўринбосарларининг жойларда фермер хўжаликларини кўп тармоқли тузилмаларга айлантириш борасидаги фаолиятига оид ахборот эшитилиб, бу борада тегишли қарорлар қабул қилинганди.

Шу ўринда O`zLiDePнинг вилоят кенгашидаги 28 нафар ҳамда маҳаллий кенгашлардаги 201 нафар депутати томонидан электорат вакиллари мурожаатлари асосида мутасадди идоралар раҳбарларига 158 та депутатлик сўрови юборилганини таъкидлаш жоиз. Энг асосийси эса халқ депутатлари Фарғона вилоят кенгашида кўриб чиқилган масалалар маҳаллий кенгашларда ҳам муҳокама қилинди. Хусусан, депутатлик гуруҳлари ташаббуси билан хусусий сектор вакиллари фаолиятига тааллуқли 13 та долзарб масала шаҳар, туман кенгашлари сессиялари, 28 та масала эса доимий комиссияларда кўриб чиқилди. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг «2012-2015 йилларда ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва турларини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг Бағдод туманидаги ижросини ўрганиш натижалари туман кенгаши сессиясида атрофлича муҳокама қилинди.

Жорий йилда депутатлик ҳамда жамоатчилик назоратини янада кучайтириш ишлари давом эттириляпти. Жумладан, партия вилоят кенгаши яқинда «Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда жамоатчилик ва депутатлик назоратини кучайтиришга оид ҳаракат дастури»ни ишлаб чиқиб, халқ депутатлари вилоят кенгашининг XXXIII сессияси муҳокамасига киритди.

Бундай қизғин муҳокамаларга эса, энг аввало, қуйи бўғин аъзолари ташаббускорлиги, муайян масалалар ечимига бағишланган мажлислар асос бўлаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

2013 йилда ҳам сессиялар ва кенгашлар доимий комиссиялари муҳокамасига киритилган 48 та масаланинг 11 таси дастлаб бошланғич ташкилотларда кўриб чиқилган эди. Шунингдек, электорат вакилларининг 313 та мурожаати ҳам айнан БПТлар ташаббуси билан депутатлар эътиборига ҳавола этилган.

Аммо ана шундай натижаларга қарамай, Фарғона вилоятидаги 415 та бошланғич ташкилот атрофига қарийб 12 минг нафар партия аъзоси бирлашган бўлса-да, ҳали бу борада мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланилмоқда, дейиш қийин. Ваҳоланки, маҳаллий бошқарув органлари фаолиятини изчил такомиллаштириш, электорат манфаатларини ҳимоялашга доир таклифлар тайёрлашда қуйи ташкилотларнинг депутатлар билан ҳамкорлиги ниҳоятда муҳим эканини ўтган йил натижалари ҳам кўрсатди.

Маълумки, 3,5 млн. га яқин аҳоли истиқомат қилаётган вилоятда 8218 та фермер хўжалиги, 55170 та тадбиркорлик субъекти, 25316 нафар якка тартибдаги тадбиркор иш олиб бормоқда. Энг муҳими, улар сони мунтазам ортиб бораётир. Бошқача айтганда, ҳудудда O`zLiDeP электорати вакиллари сафи кенгаймоқда.

Шу ўринда O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг «Бошланғич партия ташкилотлари томонидан жойлардаги ижтимоий-иқтисодий ва бошқа муаммоларни ўрганиш ва уларни партиявий воситалар орқали ҳал этиш тўғрисида»ги қарори билан жойларда ўтказилган тадбирлар, олиб борилган таҳлиллар ҳам қуйи бўғинлар билан депутатлар ҳамкорлигини кучайтиришни тақозо этаётганини қайд этиш жоиз.

— Ўз партиясидан сайланган депутатларни мунтазам «безовта» қилмаган, яъни депутат имкониятларидан қандай фойдаланиш, ундан электорат қандай наф кўришини билмайдиган қуйи ташкилот етакчиси партия тузилмасини юқори савияда бошқаролмайди, — дейди партия вилоят кенгашининг БПТлар билан ишлаш гуруҳи раҳбари Аброр Ҳамдамов. — Оқибатда бошланғич ташкилотнинг мавқеи тушиб кетади. Шу боис O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг Тошлоқ ва Ёзёвон туманларида иш олиб борган ишчи гуруҳи томонидан аниқланган камчиликлар, танқидий мулоҳазалардан хулосалар чиқараяпмиз. Жойлардаги БПТлар фаоллари эса ўтказилаётган тадбирларга депутатларни кўпроқ жалб этишга ҳаракат қилмоқдалар.

— Айни пайтда партия асоси бўлган қуйи бўғинлар билан доимий алоқа ўрнатолмаган депутат ҳам ўз фаолияти учун керакли маълумотларни ололмайди, вазифаларини кўнгилдагидек бажариши учун етарли салоҳиятга эга бўлолмайди, — дейди халқ депутатлари Фарғона шаҳар кенгаши депутати Фарҳод Турғунбоев. — Зеро, «Қарс икки қўлдан чиқади» деганларидек, депутатлар ҳам партиянинг таянч нуқталари саналган БПТлар фаолиятини жонлантиришда бевосита иштирок этишлари керак. Масалан, ҳар бир депутат ўз иш режасига йилда лоақал икки бора БПТ билан биргаликда бажариладиган тадбирларни киритиши лозим. Лекин тан олиш керак, айрим ҳамкасбларимиз бу муҳим ишга етарлича эътибор бермаяптилар. Аслида депутатнинг ҳақиқий кучи уни қўллаб-қувватловчи, изчил равишда зарурий ахборотлар билан таъминловчи, том маънода унга елкадош бўлган партия тузилмалари фаолиятига боғлиқ. Ана шундай «ёрдамчиси» бўлмаган депутатнинг эса сайловчи ишончини қозониши ҳам мушкул.

Мухтасар айтганда, ислоҳотлар муваффақияти учун масъулиятни ўз зиммасига олишини эълон қилган партиянинг барча тизимлари юксак талабларга мувофиқ фаолият юритсагина олдимизда турган вазифаларни тўлиқ уддалашга муваффақ бўламиз.

> **«БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ АҲОЛИНИНГ ТУРЛИ ҚАТЛАМЛАРИ ВАКИЛЛАРИ, ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР, ФЕРМЕРЛАР, МУЛКДОРЛАР СИНФИ ВАКИЛЛАРИНИНГ ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ ИФОДАЛОВЧИ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, ИҚТИСОДИЙ ВА БОШҚА МАСАЛАЛАР БЎЙИЧА ЮҚОРИ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИГА ДОИМИЙ ТАРЗДА ТАҲЛИЛИЙ МАТЕРИАЛЛАР ВА ТАКЛИФЛАР ТАҚДИМ ЭТИБ БОРИШНИ ЙЎЛГА ҚЎЯДИ.**
>
> O`zLiDeP Уставидан».

## Банклар — асосий ҳамкоримиз



O`zLiDeP ҳамкорлари орасида тижорат банкларининг ҳам ўз ўрни бор. Айниқса, партиявий лойиҳаларни амалга ошириш, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда банклар томонидан ажратилаётган кредитлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Яқинда ОАТБ «Микрокредитбанк» Наманган вилоят филиалида ўтказилган учрашувда ана шу ҳақда сўз юритилди. Мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида таъкидланганидек, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик субъектларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 55,8 фоизни ташкил этмоқда. Бу, албатта, қувонарли ҳолдир. O`zLiDeP Наманган шаҳар кенгаши мутасаддилари кун тартибидаги масала юзасидан фикр юритиб, 2014 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, белгиланган молиявий режаларни рўёбга чиқаришда тижорат банклари томонидан ажратиладиган сармоялар алоҳида аҳамият касб этишини таъкидладилар.

Тадбир давомида партиянинг ғоя ва мақсадлари, унинг Сайловолди дастурида кўзда тутилган устувор йўналишлар, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида кенг маълумот берилди.

Қизиқарли ва жонли тарзда ўтган учрашув якунида «Микрокредитбанк» очиқ-акциядорлик жамияти тижорат банки вилоят филиалининг 22 нафар ходими партия аъзолигига қабул қилинди.

## Муаммо ҳам БПТ, ҳам депутатлар назоратида



— Олмалиқ шаҳридаги 5-сонли мактабгача таълим муассасасининг таъмирталаб бўлиб қолгани ҳақидаги мурожаатни аввал бошланғич ташкилотимиз йиғилишида муҳокама қилдик, — дейди «Аммофос Максам» ОАЖдаги бошланғич ташкилот етакчиси О.Эгамбердиев. — Кейин ушбу масалани жойида ўрганиб, ўз таклифларимизни партия шаҳар кенгашига тақдим этдик.

Ҳа, чиндан ҳам БПТ ташаббуси самарасиз қолмади. Пировардида халқ депутатлари Олмалиқ шаҳар кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи раҳбари Т.Топиловнинг саъй-ҳаракати билан муассасани таъмирлашга шаҳар ҳокимлиги ва «Сувоқова» корхонаси масъуллари, саховатпеша тадбиркорлар жалб қилинди. Кўп ўтмай, болалар маскани ҳар томонлама кўркам, замонавий қиёфа касб этди.

Баҳром Ибрагимов,
O`zLiDeP Олмалиқ шаҳар кенгаши масъул ходими.

## Мақсадлар муштарак бўлган жойда



Барча ҳудудларимизда бўлганидек, ёзги оромгоҳлар мураббийларининг малакасини ошириш, улар учун семинар-тренинглар ўтказиш тадбирлари Самарқанд вилоятида ҳам май ойидан бошланарди. Аммо бу сафар навбатдаги тадбирларга март ойидан киришилди.

Вилоят касаба уюшмалари бирлашмаси кенгашида иш олиб бораётган БПТ аъзолари ҳам «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар асосида ана шу жараёнда фаол иш юритишмоқда.

— O`zLiDeP таянч тузилмалари ҳамда касаба уюшмалари фаолиятида ўхшаш жиҳатлар кўп, — дейди бирлашма кенгаши раиси ўринбосари, БПТ етакчиси А.Қодиров. — Зеро, ваколатларимиз доирасида аҳоли турмушининг янада фаровонлашувига изчил кўмаклашишимиз керак. Фаолларимиз — бирлашма кенгаши раиси, вилоят кенгаши депутатлик гуруҳи аъзоси Ф.Хидиров, мутахассислар А.Абдусаидов, Б.Шамсиевнинг таклифлари ҳам ўз мазмун-моҳияти билан юқоридаги эзгу мақсадга қаратилган.

М.РАВШАНОВА.

## Бухорода депутатларга ишонч юқори



Бухоро вилоятидаги 170 та бошланғич партия ташкилотида ҳисобот-сайлов йиғилишлари бўлиб ўтди. Тадбирларда 27 та қуйи бўғинга янги етакчилар сайланганини, бунда маҳаллий кенгаш депутатларига кўпроқ ишонч билдирилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Хусусан, Бухоро, Жондор, Олот, Пешку, Шофиркон ва Ғиждувон туманларида ўтказилган йиғилишларда 10 депутат қуйи бўғин етакчиси этиб сайланди. Электорат вакиллари ишончини қозонган 143 нафар таянч тузилма раиси фаолияти эса қониқарли, деб топилиб, уларга яна ишонч билдирилди. Ҳисобот-сайлов йиғилишларига жамоат ташкилотлари вакиллари, депутатлар, нуфузли тадбиркор ва фермерлар жалб этилаётгани эса муҳокама этилаётган масалалар бўйича янгича ёндашувлар, аниқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилишига замин яратмоқда.

У.РУСТАМОВА,
O`zLiDeP Бухоро вилоят кенгаши масъул ходими.



БПТлар УЧУН
XXI ASR ижтимоий-сиёсий газетасига
имтиёзли ОБУНА давом этмоқда.
Мурожаат учун телефон: (8-371) 215-63-80

# Имтиёзлар янги имкониятларга йўл очмоқда

## Таҳлилчилар кейинги олти йил мобайнида Навоий вилоятининг экспорт салоҳияти олти маротабага ошганини қайд этмоқдалар



**Илҳом ТЕМИРОВ,**
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси Навоий вилоят филиали директори



Бунга тадбиркорлик субъектларининг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани асосий омил бўлаётганини таъкидлаш жоиз.

Айниқса, Юртбошимиз Ислом Каримовнинг 2013 йил 8 августдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб- қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинганидан кейин тадбиркорлик субъектларида ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини ошириш имконияти янада кенгайди. Қарор қабул қилинганидан кейин саноат соҳасида фаолият кўрсатаётган 561 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг ассортименти ва турларини тизимли таҳлил қилиб, уларнинг 39 таси жаҳон андозаларига мос маҳсулотлар тайёрлаётганини аниқладик.

Жорий йилда ушбу субъектларга жамғарма томонидан кўрсатиладиган манзилли кўмак натижасида рўйхатга олинган 8 та экспорт шартномаси асосида умумий қиймати 2820,0 минг АҚШ долларидан ортиқ миқдордаги маҳсулотни хорижга чиқариш ҳамда хизматларни экспорт қилиш белгиланди. Хорижий харидорларга мўлжалланган маҳсулотларнинг аксарияти маҳаллийлаштириш дастурига асосан йўлга қўйилган тикувчилик ва консерваланган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, шунингдек, мармар, оҳак, гипс сингари қурилиш материалларидир. «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» ёрлиғи остида экспорт қилинаётган бундай маҳсулотларга МДҲ давлатларида ҳам талаб юқори. Айни кунда «Навоий Евро Рубероид» ва «Навоий-Корея» масъулияти чекланган жамиятлари, шунингдек, «Полиэтилен қувурлар» ҳамда «Полипропилен қувурлар» шўъба корхоналари учун хорижий ҳамкорлар топиш билан шуғулланаяпмиз. Навоий Синов ва сертификатлаштириш маркази давлат корхонаси мутахассислари билан ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатларимиз натижасида йил охиригача ҳудудда фаолият юритаётган «БАХТ ТЕКСТИЛЬ», «Кармана гипс маҳсулотлари» ҳамда «Navoi Textile Grup» қўшма корхоналари ва «Зарафшон извест» МЧЖларда халқаро стандартлар талаблари асосида ИСО-9001 сифатни бошқариш менежменти тизими тўлиқ жорий этилиши билан улар ҳам экспортчи корхоналар сафидан ўрин олишади. Қолаверса Фермерлар кенгаши билан олиб бораётган ҳамкорлигимиз ҳам ўз самарасини беришига ишонамиз.

Тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш, бизнес вакилларини жамғарма фаолияти билан чуқуррок таништириш мақсадида барча шаҳар ва туманларда давра суҳбатлари семинарлар ўтказяпмиз.

***Жамғарма томонидан кўрсатиладиган манзилли кўмак натижасида рўйхатга олинган 8 та экспорт шартномаси асосида умумий қиймати 2820,0 минг АҚШ долларидан ортиқ миқдордаги маҳсулотни хорижга чиқариш ҳамда хизматларни экспорт қилиш белгиланди.***

Маҳаллий оммавий ахборот воситалари орқали ҳам чиқишлар уюштирилиб, Навоий шаҳри марказидаги LED дисплейида фаолиятимизга доир реклама роликлари жойлаштирилди. Бундан мақсад жамғармамиз томонидан тадбиркорлар, фермерларга қандай амалий ёрдам кўрсатишимизни кенгроқ тушунтиришдир.

Бундан ташқари Ўзбекистон Банклар ассоциацияси билан ҳамкорликда хорижий мутахассисларни жалб этган ҳолда экспорт йўналиши бўйича семинар-тренинглар, 11 та хорижий ярмарка ва кўргазмаларда маҳаллий тадбиркорлик субъектлари вакилларининг иштирокини ташкиллаштиришни режалаштирганмиз.

ЭЪЛОН

«ASIA CARGO LOGISTICS»

божхона логистик компанияси
қуйидаги хизматларни таклиф қилади:

- Товар-моддий бойликларнинг божхона декларациясини амалга ошириш хизмати (экспорт-импорт);
- Божхона брокерлик хизмати;
- Божхона қонунчилиги бўйича юридик маслаҳатлар;
- Товар-моддий бойликларни сотишда агентлик хизмати;
- Божхона логистик хизмати (Товар-моддий бойликларни юк ташувчидан қабул қилиш, божхона омборига жойлаштириш ва божхона расмийлаштирувини амалга ошириш);
- Логистика хизматларини амалга ошириш;
- Товар-моддий бойликларни электрон усулда декларациялаш;
- Товар-моддий бойликлар учун божхона тўловларини аниқлаш;
- Олиб кирилаётган ва олиб чиқилаётган товар-моддий бойликлар ҳақида мижозга электрон почта орқали маълумот бериш;
- Ташқи иқтисодий алоқалар бўйича товар номенклатура кодини аниқлаш;

Манзил: Навоий шаҳри, Навоий-5.
Тел: 8(436)770-22-01; Факс: 8(436)770-22-75.
E-mail: cargo_2012@bk.ru asiaxim.market@inbox.ru
Хизматлар лицензияланган.
Гувоҳнома № 1707.

ҚУТЛОВ

МЧЖ ШАКЛИДАГИ
«DAKA TEX»
хорижий корхонаси жамоаси

Ўзбекистон халқининг энг севимли, энг ардоқли байрамига айланган
**Наврўзи олам**
билан барчани қизғин ва самимий қутлайди.
Айни шу бетакрор фаслда сизларга кўтаринки кайфият, оилаларингизга осойишталик, юртингиз ободлиги йўлидаги эзгу ишларингизда муваффақиятлар тилаб қоламиз.





Қорақалпоғистон Республикаси
Элликқалъа туманидаги
«ЭЛЛИКҚАЛЪА ШАРОБ»
масъулияти чекланган жамияти
жамоаси

*дарахтлар сулув
келинчаклардек бошига
яшил гулчамбар тақаётган,
қиру адирларда майсалар
кўкка бўй чўзаётган
ана шундай фараҳбахш
дамларда ўлкамизга кириб келган*
***Наврўз айёми***
*билан барча юртдошларимизни
самимий табриклайди.
«Соғлом бола йили»
деб ном олган йилимизнинг
Наврўзи ҳаммамизга,
барча-барча хонадонларга,
оилаларга тинчлик-омонлик,
бахту саодат,
файзу барака келтирсин!*




БУХОРО
НЕФТНИ ҚАЙТА
ИШЛАШ ЗАВОДИ
ЖАМОАСИ
юртдошларимизни
ўлкамизга кириб
келган янгиланиш
фаслининг элчиси —
НАВРЎЗИ ОЛАМ
билан самимий табриклайди.
Баҳор айёми барчангизга
шодлик олиб келсин,
оилаларингиздан тотувлик ва
тўкин-сочинлик аримасин!

# Qishloq Qurilish Bank

## *жамоаси*

*барча юртдошларимизни яшариш ва янгиланиш айёми — Наврўз билан чин дилдан табриклайди. Сизларга мустаҳкам соғлиқ ҳамда оилавий бахт тилаган ҳолда қуйидаги янги жозибадор омонат турларини таклиф этади:*

**МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДА:**
**«Наврўзинг муборак»** — муддати 12 ой;
**«Баҳор ифори»** — муддати 24 ой;
**«Соғлом фарзанд камоли»** — муддати 2 ой;
**«Зиё»** — муддати 1-3 ой;
**«Мағрур юрт фарзанди»** — муддати 4 ой.

Бундан ташқари уй-жой ва бошқа шахсий мулклардан фойдаланиш жараёнида улар бўйича коммунал тўловларни амалга оширишда аҳоли учун қулайлик яратиш мақсадида қуйидаги янги, махсус юқори фоизли омонат турлари жорий қилинган:
**«Қулай тўлов»** – муддати 6 ой;
**«Тежамкор»** – муддати 1 йил;
**«Коммунал»** – муддати 24 ой.

**Ушбу омонат турларига банкнинг барча филиалларида маблағ қабул қилинади.**

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1. | Тошкент шаҳар минтақавий филиали | (371) | 150-77-21 |
| 2. | Тошкент вилояти минтақавий филиали | (371) | 150-79-19. |
| 3. | Андижон минтақавий филиали | (374) | 222-23-72 |
| 4. | Фарғона минтақавий филиали | (373) | 229-70-91 |
| 5. | Наманган минтақавий филиали | (369) | 223-04-37 |
| 6. | Бухоро минтақавий филиали | (365) | 223-92-21 |
| 7. | Самарқанд минтақавий филиали | (366) | 210-02-49 |
| 8. | Қашқадарё минтақавий филиали | (375) | 771-04-26 |
| 9. | Сурхондарё минтақавий филиали | (376) | 770-83-72 |
| 10. | Қорақалпоғистон минтақавий филиали | (361) | 224-22-15 |
| 11. | Хоразм минтақавий филиали | (362) | 227-48-15 |
| 12. | Сирдарё минтақавий филиали | (367) | 221-00-71 |
| 13. | Жиззах минтақавий филиали | (372) | 771-63-38 |
| 14. | Навоий минтақавий филиали | (436) | 770-27-97 |

*Банкдаги омонатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 4057-сонли фармони асосида тўлиқ кафолатланади.*

**Мурожаат учун телефонлар:**
**(+99871) 150-76-53, 150-39-93**
**www.qqb.uz**

*«Қишлоқ қурилиш банк» — фаровон ҳаётингиз хизматида!*

Хизматлар лицензияланган.

## «ЎЗВИНОСАНОАТХОЛДИНГ» ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ

*эл дастурхонининг тўкин-сочинлиги, иқтисодиётимиз ривожи йўлида ташаббускорона меҳнат қилаётган юртдошларимизни қадимий ва қадрли байрам —*

# *Наврўзи олам*

*билан самимий қутлайди. Байрам шукуҳи сизларни «Соғлом бола йили» давомида ҳам асло тарк этмасин! Хонадонларингиздан файзу барака аримасин, оилаларингиз тинч-тотув бўлсин!*

*Наврўз муборак, азизлар!*

# «ШЎРТАНГАЗКИМЁ»
## мажмуаси жамоаси

қадрли юртдошларимизни ўлкамизга кириб келган янгиланиш фаслининг даракчиси —

# *Наврўзи олам билан*

самимий табриклайди. Баҳор айёми барчангизга шодлик олиб келсин, оилаларингиздан тотувлик ва тўкин-сочинлик аримасин. Наврўз муборак, азизлар!



XXI ASR
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA
TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

**ТАҲРИРИЯТ:** Темур АБДУРАҲМОНОВ, Сайфулла ИКРОМОВ, Шаҳзод НАЗАРОВ, Озод РАЖАБОВ, Муҳаббат РАВШАНОВА, Носир ТОШЕВ, Шуҳрат ХЎЖАЕВ, Маркс ЮСУПОВ.

**БЎЛИМЛАР:** Котибият — 281-40-17 (тел./факс), Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 255-64-80, Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими — 255-64-80, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими — 215-60-45, Ёшлар ва аёллар масалалари бўлими — 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими — 215-60-45, 255-68-50, Қабулхона: 215-63-80 (тел./факс).

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:** Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-уй. **ЭЛЕКТРОН ПОЧТА:** axborotXXIasr@yahoo.com, xxi_asr@mail.ru
©«XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

**БОШ МУҲАРРИР:** Миродил АБДУРАҲМОНОВ.

**МУАССИС:** Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

**«XXI ASR»** ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

Буюртма рақами: J 9463 **Тираж:** 19020
Баҳоси келишилган нархда.
Топширилди — 20:00

**НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406**

ISSN 2181-497X

Навбатчилар: **Н.ТОШЕВ, Б.ИСРОИЛОВ.**

## ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

# «Асака» банк (ОАЖ)

ASAKA BANK

**БАРЧА ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ НАВРЎЗ БАЙРАМИ БИЛАН САМИМИЙ ҚУТЛАБ, МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРДАГИ ҚУЙИДАГИ МУДДАТЛИ ОМОНАТ ТУРЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:**

Миллий валютада:

**«БАҲОР-2014»**
Ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

**«БАРАКАЛИ»**
Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўланади.

**«ИМТИЁЗЛИ»**
Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда коммунал хизматлар ва бошқа тўловлар (газ, электр энергия, иссиқ ва совуқ сув, иситиш, истеъмол ва ипотека кредитлари тўловлари, олий ўқув юртларида таълим олиш бўйича контракт тўловлари)га йўналтирилади.

**«НАВРЎЗ-2014»**
Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

**«СОҒЛОМ АВЛОД»**
Омонатнинг сақланиш муддати 24 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар чоракда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Хорижий валютада:

**«ФАЙЗЛИ-2014» (АҚШ долларида)**
Ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг АҚШ долларида берилади.

**«ШОДИЁНА» (АҚШ долларида)**
Омонатнинг сақланиш муддати 2 йил бўлиб, ҳисобланган фоизлар 1 йил ўтгандан ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

**«СТАБИЛЬНЫЙ-1» (ЕВРОда)**
Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Шу билан биргаликда «Асака» банк (ОАЖ) миллий валютада 62 ҳамда хорижий валютада 30 турдаги омонатларни қулай шартларда таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.

**МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.**

| ФИЛИАЛЛАР | КОД | ТЕЛЕФОН | ФИЛИАЛЛАР | КОД | ТЕЛЕФОН |
|---|---|---|---|---|---|
| Тошкент шаҳар филиали | 371 | 120-83-13 | Наманган вилоят филиали | 369 | 226-94-75 |
| Автотранспорт филиали | 371 | 120-39-95 | Навоий вилоят филиали | 436 | 223-54-32 |
| Шайхонтоҳур филиали | 371 | 140-39-36 | Зарафшон филиали | 436 | 573-18-78 |
| Юнусобод филиали | 371 | 221-80-67 | Бухоро вилоят филиали | 365 | 223-71-94 |
| Сергели филиали | 371 | 258-67-49 | Бухоро шаҳар филиали | 365 | 770-11-27 |
| Тошкент вилоят филиали | 371 | 120-84-13 | Самарқанд вилоят филиали | 366 | 231-08-86 |
| Андижон вилоят филиали | 374 | 224-40-96 | Афросиёб филиали | 366 | 221-77-56 |
| Асака филиали | 374 | 233-13-69 | Қашқадарё вилоят филиали | 375 | 221-12-93 |
| Фарҳод филиали | 374 | 226-97-53 | Сурхондарё вилоят филиали | 376 | 770-82-12 |
| Фарғона вилоят филиали | 373 | 224-70-83 | Қорақалпоғистон филиали | 361 | 770-60-59 |
| Марғилон филиали | 373 | 237-12-37 | Хоразм вилоят филиали | 362 | 226-97-78 |
| Олтиариқ филиали | 373 | 432-10-11 | Сирдарё вилоят филиали | 367 | 225-44-03 |
| Қўқон филиали | 373 | 552-61-04 | Жиззах вилоят филиали | 372 | 226-43-11 |

**Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.**

Сизнинг омонатларингиз:
— солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
— маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
— эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
— миқдори чекланмаган!

**«АСАКА» БАНК — САРМОЯНГИЗНИНГ САҚЛАНИШИ ВА КЎПАЙИШИНИ КАФОЛАТЛАЙДИ!**

Хизматлар лицензияланган.

AGROBANK

## Xalq farovonligi — faoliyatimiz mezoni

Barcha yurtdoshlarimizni Navro`z ayyomi bilan samimiy muborakbod etamiz. Navro`z oilangizga tinchlik, xotirjamlik, sihat-salomatlik va baxt-omad olib kelsin!

Bayramga tuhfa ravishda yangi jozibador foizli **«NAVBAHOR»** va **«GULDASTA»** omonat turlarini taklif etamiz.

«Agrobank» ochiq aksiyadorlik-tijorat banki
100096, Toshkent shahri, Muqimiy ko`chasi, 43.
Tel.: (8-371) 150-53-72; Fax: 150-53-95
**www.agrobank.uz**

Xizmatlar litsenziyalangan

SAVDOGAR BANK

**ЧЕТ ЭЛ КАПИТАЛИ ИШТИРОКИДАГИ**

# «САВДОГАР»

**ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИ ЖАМОАСИ**

мамлакатимиз аҳолиси ва меҳмонларини

## НАВРЎЗ АЙЁМИ

билан муборакбод этади.
Фасли навбаҳорнинг энг гўзал байрами — Наврўзи олам хонадонларимизга қут-барака, ризқ-рўз олиб келсин!

*Уйғониш ва янгиланиш фаслида юртимиз иқтисодиёти бундан-да юксалиб, мустақиллигимиз янада мустаҳкам бўлсин!*



TRASTBANK
ИШОНЧ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

## «ТРАСТБАНК»

**ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК-БИРЖА БАНКИ ЖАМОАСИ**

**Ўзбекистоннинг меҳнатсевар, бағрикенг, меҳмондўст, бунёдкор халқини**

## Наврўзи олам

**билан самимий муборакбод этади. Барчангизга бахт, соғлиқ, хонадонингизга тинчлик-хотиржамлик ва осойишталик, ишларингизда омад ёр бўлишини тилаймиз.**

---

TURON BANK

**ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИ ЖАМОАСИ**

**мамлакатимиз халқини ободлик, орасталик, меҳр-оқибат, хайру саховат айёми бўлмиш**

## Наврўз байрами

**билан чин дилдан табриклайди. Борлиқ узра баҳорий илиқлик югуриб, она-замин яшил рангга бурканаётган айни кезларда сиз, азизларга аъло кайфият, хонадонларингизга тинчлик-тотувлик, дастурхонларингизга қут-барака тилаб қоламиз.**

---

AGROMIR group of companies

## «AGROMIR JUICE»

**қўшма корхонаси МЧЖ жамоаси**

*азиз юртдошларимизни баҳор элчиси бўлмиш*

## *Наврўз айёми*

*билан қутлайди. Боғлару қирлар гулларга бурканаётган ана шундай муаззам кунларда оилангизга тинчлик-осойишталик, соғлиқ-омонлик ва бахт-саодат тилаб, ҳар кунингиз Наврўз бўлсин, деймиз, азизлар!*

---

AGROBANK

## ОАТБ «АГРОБАНК»

**Пастдарғом туман Гўзалкент бўлинмаси жамоаси**

*барча юртдошларимизни яшариш, меҳру саховат, гўзаллик фасли саналмиш*

## *Наврўз байрами*

*билан табриклайди. Сизларга узоқ умр, соғлиқ-саломатлик тилаб, хонадонларингизда тўй-томошалар садоси баралла янграйверсин, деб қоламиз. Ўлкамизга хуш келдинг, Наврўз!*



# Истеъмолчи ҳуқуқи — қонун ҳимоясида

**Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг «Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида», «Стандартлаштириш тўғрисида», «Метрология тўғрисида», «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» ҳамда «Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги қонунларида сифатни назорат қилиш воситалари ва усуллари, шунингдек, истеъмолчилар олдидаги мажбуриятлар ҳам қатъий белгилаб қўйилган. Аммо ушбу қонунларнинг қай даражада бажарилаётгани сизу бизнинг истеъмолчи сифатида ўз ҳуқуқларимизни қанчалик билишимиз, харид қилаётган маҳсулотларимизнинг сифатига қўйиладиган талаблардан нечоғлик воқиф эканлигимизга ҳам боғлиқлигини унутмаслик лозим.**



**Алишер ҲОЛИҚОВ,**
Навоий вилояти Синов ва сертификатлаштириш Маркази Давлат корхонаси лабораторияси мутахассиси

Хўш, истеъмолчи озиқ-овқат маҳсулотлари тоифасига кирувчи спиртли ичимлик харид қилиш чоғида нималарни билиши ва унинг қай жиҳатларига эътибор қаратмоғи лозим?

Кейинги пайтларда айрим фуқароларимиз бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари қатори спиртли ичимликларнинг тайёрланиши, улар сифати ва ишлаб чиқариш жараёнида қандай талабларга амал қилиниши лозимлиги хусусида мурожаат қилаётганларини инобатга олиб, шу хусусда кенгроқ маълумот бермоқчимиз.

Зеро, спиртли ичимликлар ишлаб чиқарувчи корхоналардан инсон саломатлигига зиён етказмайдиган, халқаро андоза ва меъёрларга тўла жавоб берадиган маҳсулот тайёрлаш талаб этилади.

Масалан, оддий арок 3 турдаги спиртдан тайёрланади. Сифатига кўра спирт «Люкс», «Экстра» ва «Олий тозаланган» навларга бўлинади. Улардан тайёрланган ичимлик ҳам «махсус», «яхшиланган» ва «оддий» каби номлар билан аталади. Унинг таъмини яхшилаш ва ўзига хос бўлиши учун муайян миқдорда шакар, асал, ош тузи, истеъмол содаси ёки озуқавий кислота қўшилади. Махсус арок тайёрлашда эса ўсимликларнинг хушбўй дамламалари, эфир мойлари ҳам ишлатилади. Хом ашё сифати, спирт ва сув аралашмасини фильтрлашда ҳарорат ва тезлик режимига қатъий риоя қилиш ҳамда ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлиги сифатли маҳсулот тайёрлашнинг бош омилларидан саналади. Ароқлар кўринишидан тиниқ, ёт қўшимча ва чўкиндиларсиз, мазаси юмшоқ, таъми ва ҳиди ўз типига хос бўлмаган таъм ва ҳидлардан холи бўлмоғи шарт. Шиша идишдаги ҳалқасимон оқ доғлар мавжудлиги маҳсулотнинг сифатсизлигини билдиради.

Шишанинг олд томонига ёпиштирилган ёрлиқда ишлаб чиқарувчи корхонанинг мулкчилик шакли, товар белгиси, маҳсулот номи, нави, қуввати, ҳажми, мувофиқлик белгиси, меъёрий ҳужжат белгиси ва тиббий огоҳлантириш ёзилиши шарт. Орқа тарафидаги этикеткада эса спирт нави, хушбўй қўшимчалар, сақлаш шароити, қуйилган санаси, яроқлилик муддати, ишлаб чиқарувчининг манзили, штрих код ва «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» ёзуви қайд этилган бўлиши керак.

Идиш қопқоғига елимланадиган акциз маркаси эса маҳсулотнинг ҳақиқийлигини тасдиқловчи асосий восита ҳисобланади. Харид қилинаётганда этикетка ва акциз маркасидаги корхонанинг товар белгиси, завод рақами ва идиш ҳажми ҳақидаги маълумотлар бир-бирига албатта мос келишига эътибор қаратиш лозим. Бундан ташқари акциз маркада махсус нур билан кўринадиган ёзувлар, бўртмалиги бармоқ билан сезиладиган нақш элементи ҳамда металл буюм билан ишқалаганда пайдо бўлувчи DSN ёзуви сингари бир қанча махсус ҳимоя белгилари ҳам бўлиши шарт. Коньяк, вино ҳамда шампан винолари этикеткалари ва акциз маркаларида ҳам худди шу сингари талабларга риоя этилади.

Харид чоғида сотувчидан мувофиқлик сертификатини талаб қилиш маҳсулот сифатини аниқлашнинг энг осон ва содда усулидир.

**ТИФ «Миллий банк» Самарқанд бошқармаси ҳамда Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси Самарқанд вилоят филиали жамоаси**

*Ўзбекистон халқини*
*Наврўз шодиёналари*
*билан самимий қутлайди.*
*Сумалак ва ҳалим,*
*кўксомса каби баҳорий*
*неъматлар тортиладиган,*
*яшил майдон ва кўкламзорларда*
*сайил-томошалар,*
*миллий кураш ва улоқ чопиш*
*мусобақалари ўтказиладиган*
*мана шундай файзли кунларда*
*сизларга хуш кайфият тилаб қоламиз.*



# Тарғибот кучайтирилади

**Истиқлол йиллари амалга оширилаётган ва халқаро ташкилотлар томонидан ҳам ривожланишнинг «Ўзбек модели» дея эътироф этилган ислоҳотлар бир пайтлар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириб, хом ашё базасига айланган мамлакатимизни тарихан қисқа муддатда саноати ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқиш имконини берди**

**Умиджон КАМОЛОВ,**
Навоий вилояти Стандартлаштириш ва метрология бошқармаси бошлиғи

Айниқса, Юртбошимиз Ислом Каримов раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш борасидаги изчил ишлар Ўзбекистонни том маънода мулкдорлар мамлакатига айлантирди, дейиш мумкин.

Тадбиркор ва ишбилармонларга хизмат кўрсатаётган ташкилот вакили сифатида бу жараёнлар изчил давом этаётганидан хабардормиз, албатта. Айни пайтда бошқармамизда стандартлар устидан давлат назорати ҳамда давлат метрологик назоратини ташкил этишни замон талаблари даражасида қайта кўриб чиқиш, маҳсулот ишлаб чиқарувчи субъектлар ва хусусий тадбиркорларнинг товар ҳамда кўрсатаётган хизматлари сифати ва хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг ички ҳамда ташқи бозорларда ҳам рақобатбардошлигига эришиш орқали экспортга йўналтирилган корхоналар сафини кенгайтиришга оз бўлсада ҳисса қўшяпмиз. Бунинг учун Навоий вилояти Синов ва сертификатлаштириш маркази, Савдо-саноат палатасининг вилоят ҳудудий бошқармаси, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерациясининг вилоят бирлашмаси, шаҳар ва туман ҳокимликлари билан ҳамкорликда ишлаб чиқариш корхоналарида стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш, шунингдек, ишлаб чиқариш жараёнида мавжуд стандарт талабларига қатъий риоя қилинишини ўрганиш бўйича тузилган дастур бўйича иш олиб боряпти. Мутахассислар олдига «Стандартлаштириш тўғрисида»ги, «Метрология тўғрисида»ги, «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги, «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги ҳамда «Истемолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунларнинг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва кўрсатилаётган хизматлар хавфсизлигини шакллантириш, уларнинг экспортини кенгайтириш ҳамда жаҳон бозорида рақобатбардошлигини таъминлаш жараёнида юзага келадиган муаммоларни ўрганиб, улар ечимини топишга кўмаклашиш асосий вазифа сифатида белгилаб қўйилган.

2013 йил давомида 117 та хўжалик юритувчи субъектда мавжуд қонунлар талаблари бўйича тушунтириш-тарғибот ишлари олиб борилди. Бошқармамиз ҳузуридаги «Ахборот-консультатив маркази»га мурожаат қилган 65 та субъект ва якка тартибда иш олиб бораётган тадбиркорларга тегишли маслаҳат ва тушунтиришлар берилди. Маҳаллий ОАВда бу хусусда кўплаб чиқишлар қилинди. Навоий шаҳри ва Кармана туманида маҳсулот ишлаб чиқарувчи субъектлар ва якка тадбиркорлар иштирокида соҳага оид қонун ва қарорларнинг мазмун-моҳиятига оид семинар-кенгашлар ўтказилди. Хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарлари, сифатни бошқариш менежменти тизимини жорий этиш бўйича мутахассислар иштирокида қисқа муддатли ўқув курслари ҳам ташкил этдик. Ўзбекистон Республикаси қонунлари тўплами, корхоналарда қонун талаблари бажарилишини ўрганиш масалалари бўйича саволнома ҳамда сифатни бошқариш менежменти тизимини жорий этиш бўйича тавсиялардан иборат «Тадбиркорлик субъектлари учун эслатма» қўлланмаси ишлаб чиқилиб, ишбилармон юртдошларимизга тарқатилди.

Тажриба шундан далолат бермоқдаки, маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва якка тартибда фаолият кўрсатувчи тадбиркорлар мавжуд қонунлардан қанчалик кўпроқ воқиф бўлсалар, уларнинг қонун талабларига шунча тўлиқ амал қилишига эришилади.

РЕКЛАМА




SARDOR AVTO INVEST

**Автосалон в Ташкенте**
**тел.: (+998 71) 215-09-11, (+998 91) 162-99-99**
ул. Усмана Насира, дом 113 (ориентир — Южный вокзал, АЗС «POYTAHT»)

ЗАЗ
www.sardor-avto.uz

Товар сертифицирован.

ЭЪЛОН

**ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!**
**«ARSH SAVDO-ELIT» МЧЖ**
**ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ**

**Аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:**

1. Андижон вилоят адлия бошқармасининг 07.11.2013 йилдаги 16-сонли йиғилиш баёни ҳамда Андижон вилоят адлия бошқармасининг 12.03.2014 йилдаги 09/750-сонли алоқа хатига асосан вилоят адлия бошқармаси балансидаги, 2003 йилда ишлаб чиқарилган «Нексия» русумли, давлат белгиси 60 323 ОАА бўлган автотранспорт воситаси такроран 17 612 200 (ўн етти миллион олти юз ўн икки минг икки юз) сўм бошланғич баҳода.
Такрорий аукцион савдосига чиқарилган юқоридаги автотранспорт воситасининг аукцион савдоси 2014 йил 4 апрель куни соат 11.00 да, ушбу кунда аукцион савдоси бўлиб ўтмади, деб эътироф этилган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2014 йил 7,11,14 апрель кунлари соат 11.00 да Андижон шаҳри, А.Навоий шоҳ кўчаси, 30-уй, 107-хонада бўлиб ўтади.

2. «Ўзсаноатқурилишбанк» Бунёдкор филиалининг 17.03.2014 йилдаги 551-сонли алоқа хатига асосан Андижон вилояти, Андижон шаҳри, А.Темур кўчаси, 24-уйда жойлашган, ЎзСҚБ Бунёдкор филиалига қарашли 1993 йилда ишлаб чиқарилган «МАЗ 64229» русумли, давлат белгиси 17 V 3700 бўлган автотранспорт воситаси 7 160 000 (етти миллион бир юз олтмиш минг) сўм бошланғич баҳода.

Юқорида кўрсатиб ўтилган автотранспорт воситасининг аукцион савдоси 2014 йил 21 апрель куни соат 11.00 да, ушбу кунда аукцион савдоси бўлиб ўтмади, деб эътироф этилган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2014 йил 23,25,28 апрель кунлари соат 11.00 да Андижон шаҳри, А.Навоий шоҳ кўчаси, 30-уй, 107-хонада бўлиб ўтади.
Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 15 фоиз миқдорида гаров пулини ТИФ «Миллий банк» Андижон шахар бўлимининг 20208000904456131001 ҳисоб рақамига МФО: 00074, ИНН: 205987298 тўлашлари шарт. Савдода иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар қабул қилиш эълон чоп этилган кундан бошлаб ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) ва аукцион савдоси ўтказилишидан 1 (бир) соат олдин 10.00 га қадар Андижон шаҳри, А.Навоий кўчаси, 30-уй, 107-хонада қабул қилинади.
Аукцион савдосида қатнашиш учун жисмоний шахслар паспорт нусхаси, юридик шахслар жамият Низоми ва таъсис ҳужжатлари, агар ваколатли шахс қатнашса, белгиланган тартибда берилган ишончнома тақдим қилишлари лозим.

**Қўшимча маълумот учун манзил:**
**«ARSH SAVDO-ELIT» МЧЖ**
**Андижон шаҳри, А.Навоий шоҳ кўчаси, 30-уй, 107-хона.**
**Тел: (+99891) 606-88-81, (+99890) 269-88-81,**
**Хизматлар лицензияланган.**
**Гувоҳнома № 00126.**

# ТИФ Миллий банки қошидаги КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ЭКСПОРТИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЖАМҒАРМАСИ жамоаси

барча юртдошларимизни, она-Ватанимиз равнақи ва фаровонлиги йўлида меҳнат қилаётган тадбиркорлар ва ишбилармонлар, дастурхонларимиз тўкинлигини таъминлаётган фермерларни Наврўз айёми билан самимий муборакбод этади.
Фасллар келинчаги бўлмиш баҳор кенг нишонланаётган шу кунларда барчангизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, юртимиз тараққиёти йўлида амалга ошираётган хайрли ишларингизда муваффақиятлар тилаб, Ўзбекистон номини дунёга таратаётган, ўз маҳсулотлари билан жаҳон бозорларини эгаллаётган ишбилармонларни яқин ҳамкорликка чорлаймиз.
Сизларга тайёрлаган маҳсулотларингизни хориж бозорларига олиб чиқиш, хорижий ҳамкорлар топиш, юртимиз ва чет мамлакатларда ўтказилаётган кўргазма ҳамда ярмаркаларда иштирок этишингизга кўмаклашиш зиммамиздаги улкан масъулиятдир.



| | ФИЛИАЛЛАР | КОД | ТЕЛЕФОН |
|---|---|---|---|
| 1. | Андижон вилоят филиали | (374) | 228-48-70 |
| 2. | Бухоро вилоят филиали | (365) | 223-70-02 |
| 3. | Жиззах вилоят филиали | (372) | 222-38-27 |
| 4. | Қашқадарё вилоят филиали | (375) | 221-00-77 |
| 5. | Навоий вилоят филиали | (436) | 223-33-73 |
| 6. | Наманган вилоят филиали | (369) | 223-17-88 |
| 7. | Қорақалпоғистон Республикаси филиали | (361) | 780-03-75 |
| 8. | Самарқанд вилоят филиали | (366) | 233-55-95 |
| 9. | Сурхондарё вилоят филиали | (376) | 221-74-01 |
| 10. | Сирдарё вилоят филиали | (367) | 225-06-22 |
| 11. | Фарғона вилоят филиали | (373) | 141-40-14, 781-00-14 |
| 12. | Хоразм вилоят филиали | (362) | 223-05-02 |
| 13. | Тошкент вилоят филиали | (371) | 194-82-43, 252-77-20 |
| 14. | Тошкент шаҳар филиали | (371) | 140-95-09 |



*Наврўз янгидан-янги режаларга йўл очсин, азизлар!*

Хизматлар лицензияланган!